

БОБОМУРОД ДАМИНОВ

7-класс
КАХРАМОНЛАРИ

ДАМДАН
ЯҲШИ
НОМ
ҚОЛДИ

Бобомурод
ДАМИНОВ

ОДАМДАН
ЯХШИ НОМ
КОЛСИН

ОЧЕРҚЛАР


ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЯТИ
Тошкент — 1961

Самарқандлик Бобомурод Даминовнинг сизга тақдим қилинаётган бу очерклар тўплами совет кишисининг меҳнатини улуғлайди. Автор асрлардан бери жазирама иссиқда жизгинаги чиқиб ётган Жонбўзсой даштидаги янги ҳаёт ҳақидами, Турсуной Охунованинг издошлари ҳақидами, Қашқадарё соҳилидаги Дўстберди қишлоғининг одамлари ҳақидами — нимани қаламга олмасин, совет меҳнаткашларининг ақли, иродаси ва жасоратини тасвирлайди. Унинг очеркларидаги кишиларни ҳаётни яшартирувчилар дейиш мумкин.

Даминов Бобомурод.

Одамдан яхши ном қолсин. Очерклар. Т.,
Ўзадабийнашр, 1961.
бет. 68

Даминов Бабамурад. Доброе дело оставляет память.
Очерки.



ЖОНБЎЗСОЙДА

Қачонлардир ўтмишда букунги Жонбўзсойнинг ўрнида Жонбўзқуччи деган қишлоқ бўлган экан. Қачон ва нима учун гармсел дайдиб юрадиган бу дашти биёбоннинг Жонбўзсой деб номлангани номаълум. Балки бир вақтлар бу ерлардан сой ўтгандир-у, ташна қумликларга сингиб йўқ бўлиб кетгандир. Чунки ҳамон бу ерлар ташналик дардида куйиб-ёниб, тўлғаниб келади. Аммо жонбўзсойликлар вақти-соати келиб ўз қишлоқларининг чаманларга бурканишини биладилар, унинг ёрқин эртасига, гўзал истиқболига ишонадилар, уни яшнатиш ўйи билан яшайдилар...

Жонбўзсой даштининг ўртасида девор билан ўралган катта қаср бор. Шу кунларда бу қаср кекса Жонбўзсойга ҳаёт берувчи ижодкорлар макони бўлиб қолган. Колхознинг кўчма идораси ҳам шу ерда. Қаср ичида той-той қилиб терилган хилма-хил тахта, хари, шифер, айвон тагида эса баланд уйилган цемент. Нарироқда Иркутск заводидан чиққан катта пилорама. Ҳозирча у, трактор мотори билан ишляпти. Қуввати камлик қилибми, у баъзан хари ўртасига келганда пихиллаб қолади.

Қирқ ёшлардаги малладан келган пилорамачи Рўзиқул Тўхтаев хавотирланиб, машинанинг у ёқ-бу ёғини синчиклаб қарамоқда. У кўп йиллар давомида тракторчи, комбайнчи бўлиб ишлаган. Колхоз унга энг масъулиятли иш топширган. Ҳозирги безовталиги ҳам шундан. Рўзиқул жазирама иссиқдан қорайиб кетган. Пилорама яқинда ўрнатилганидан ҳали устини ҳам ёпишга улгуришмаган. Пилорамани ўрнатган усталардан бири, шу колхознинг аъзоси, 1956 йилдан бери Чимқўрғон қурилишида пилорамачи бўлиб ишлаб келаётган механик-уста Жаббор Хўжаёров, яна бири РТС ишчиси Василий Петайкин.

Колхоз пилорама ва бошқа зарур эҳтиёжлар учун Саратовдан «Коммунист» маркали электр дизель олган. Ҳамқишлоқлари орасида «Жаббор мўйлов» деб ном чиқарган механик-уста дизель атрофида билагини шимариб юрибди. У қуюқ мўйловига ортиқча зеб бериб, дағал бармоқлари билан уни тез-тез силаб турганиданми, «Мўйлов» лақаби унга ҳатто исм бўлиб кетган. У — пилорама мотористи.

— Равс,— дейди Жаббор эка, табассум

билан мўйловини силаб,— икки ҳафтадан бери уйга борганим йўқ. Икки кунга жавоб берсангиз.

— Ҳа, ўлманг-а, кеча якшанба куни велосипедда чангитиб кетаётган ким эди?— деб қолди ёшлардан бири.

— Ҳм... кампиримни соғиндим денг,— деди колхоз раиси Лапас Мамадиев ҳазиломуз энгил кулиб.

— Буниси ҳам бор, раис,— деди тан олиб Жаббор ака, кулгисини ўсиқ мўйлови билан яшириб. Кейин гапни ҳазилдан ишга бурди:— Қани, маслаҳат беринглар-чи, дизелни қаерга ўрнатамиз?

— Шу ерга ўрнатаверсак-чи,— деди қурилиш бўйича раис ўринбосари Тоштурди Қалаев.

— Бир ишни икки қилмайлик. Яхшиси, генплан бўйича ўрнатиш керак. Бунинг учун қанча қурилиш материаллари кетишини ҳисоблаб чиқиб, кейин бир қарорга келамиз,— деди раис.

— Биз учун беш литр сув мудом оқиб туради, дейилган эди, лекин яна сувсиз қоляпмиз.

— Нимага?— Мамадиев Қалаевга қаради.

— Қуёнқўз бригадирингиз бизга сув ўтказмайдиган кўринади.

— Кечагина сувларинг бор эди-ку.

— Бригадир ариқни чиппа бўғиб, қулоқ бошида ухламай, кетмонига суяниб ўтирибди. «Сувдан гап очма» дейди.

— Текшириб кўрайлик-чи,— деди раис энди жиддий тарзда.— Оз бўлса ҳам, сизларга сув берамиз, яхшиси, тезда ҳовуз қазинглар.

Бу гап ҳаммага маъқул тушди. Тўрт азамат шу кунгёқ ҳовуз қазишга киришди.

Ўз ўрмонимиз бўлади

— Ёғочни роса тахлабсиз-да,— дедим қаср дарвозасидан чиқа туриб раисга.

— Ҳа, ҳозирча шундай. Лекин биз яқин йилларда ёғоч келтиришдан қисман, бориб-бориб эса бутунлай воз кечмоқчимиз.

Гапининг замирига дарров тушунолмадим. У ёқ-бу ёққа алангладим. Чор атроф жазирама дашт. Қизиқ, бу атрофда тиккайган бир туп дарахт йўғ-у, нима деяпти бу одам? Ҳайрон бўлиб раисга тикилдим. У мийиғида кулиб, давом этди:

— Беш-ўн йил қийналиб турамиз-да. Кейин ё олга сероб бўламиз.— У олисларга — яйдоқ даштга аллақандай сирли назар ташлади-да, давом этди.— Ҳа, ўз ўрмонимиз бўлади. Тўғриси айтсам, хўжаликнинг бошқа томонларига кам эътибор берар эканмиз. Мана энди кўзимиз очиляпти.

Раис устарада силлиқ қирилган бошидан фуражқасини олди-да, оқ рўмолчаси билан мунчоқ-мунчоқ терларини артди ва дарров уни қайта кийиб олди, янги қишлоқнинг яланг кўчасида чанг буриқситиб келаётган юк машинасига тикилиб қолди. Кейин:

— Фаросат билан бундай ўйлаб қараганда, дарахт экадиган жой ҳам, уни меҳр билан асрайдиган кишилар ҳам бор. Ҳамма гап қунт ва ҳафсалада. Ўз ўрмонимизни яратишга киришдик. Дарё бўйида. Ҳозирча, беш гектар. Бу бўлғуси катта ўрмондан нишона.

— Кўп маблағ тежаймиз,— қўшимча қилди колхоз бош бухгалтери Шоймардон Хўжанов.

— Бу тежалган маблағни,— деб сўзида давом этди раис,— колхознинг бошқа ободончиликларига ишлатамиз.

— Ўрмонингиз қаерда? Узоқми?

— Унча узоқ эмас. Кўришингиз мумкин,— деди раис хиёл табассум билан.

Эртасига ўрмонни бориб кўрдик.

Қашқадарёнинг шимолий қирғоғида тартиб билан экилган теракзор. Тераклар ҳали ёш, лекин тез бўй чўзяпти, тобора кенгайиб, кўркамлашяпти. Ҳа, яқин йиллар ичида раис назар ташлаган чўлнинг катта қисми яшил ўрмонзорга айланади.

Янги уйни табриклар

Жонбўзсойда қад кўтараётган янги қишлоқнинг шарқ томонидаги энг чекка уйда ёш колхозчи Узоқ Ўроқов туради. У Наймансарой қишлоғидан бу ерга дастлаб кўчиб келганлардан бири экан. Қарши қуёши олов пуркаб турганда у бизни янги уйига таклиф қилди. Биз кўзлари доим кулиб турадиган бу кишининг таклифини қабул қилдик. Уни бир йўла янги уй билан табрикладик.

Тинитилган муздек чўл чалоби жазирама иссиқда кишини қуёшдан сақлайди, танга ҳузур беради. Уни ичиш билан бадандан муздек тер оқади, кишининг баҳри-дили очилади. Биз ҳам шу ажойиб чўл чалобидан мириқиб симирдик. Раис бу орада ёнида олиб юрган газеталарни қараб чиқди. Кейин муқовасига

«Хикоялар» деб ёзилган бир китобнинг буклаб қўйилган охириги ырақларини ўқиди. Уни сарқан, мамман кулимсиради. Олдида турган косадаги чалобдан яна бир симирди-да, бошини ёстиққа қўйиб уйқуга кетди.

Бунинг сабаби менга маълум. Кечадан бери мен қисман бўлса ҳам раиснинг иш куни билан таниш эдим: у комбайнчиларнинг ишларини кўздан кечириб, ярим кечада ғаллачилик бригадаларидан қайтди, келди-ю, ётмади, колхоз меҳмонхонасида мен билан бирга ётган Тўқбой қишлоқ советининг ходими Шомурод Хидиров билан нималарнидир шивирлашиб гаплашди-да, яна қаёққадир жўнаб қолди. Тонг отарда қайтди, баҳодирона хуррак тортиб, бир оз ухлади. Унинг бундай ухлашига аввалига ҳавасим келди. Лекин кипригим учидан пирпираб турган уйқум изсиз йўқолгач: «Ўзингиз ажойиб киши экансизку-я, ухлашингиз чатоқ экан-да» дедим ичимда.

Лапас Мамадиевнинг бунчалик кеч қайтганини кўриб, ҳа, раис эртага чоштгоҳда турса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, янглишибман. У, соат ҳали олти ҳам бўлмай, солдатчасига енгил ва бардам турди. Бу орада дўсти Шомурод билан турткилашиб, гўё икки қўчқор шохлашгандай курашиб ҳам олди. Афтидан, курашда юрагини олдириб қўйганми дейман, Шомурод ўзини четга олди-да, дўстига: «Раислигини ҳурмат қиламан-да, бўлмаса, роса адабингни бериб қўярдим-а»— деб қўйди.

— Рост айтасан, ўртоқ киндик полвон,— деди унга кулимсираб Лапас. Кейин икки дўст муздек Қашқа сувида чўмилишди.

Эрталаб чой ичаётганимизда унинг кечаси

қаерда бұлганлиги билан қизиқдим. Раис учун бу одатдаги ҳол бўлса керак, менинг сўроғимга ортиқча эътибор ҳам бермай, сувчиларнинг ғўзага сув тарабини кўздан кечирганлигини, Бердали ва Ниёзий ариқларидан хабар олганлигини, Бердалида сув камроқ кўришгани учун ариқ бошига кишилар юборганини айтди.

— Ишингиз ҳар куни ҳам шундайми? Бу ҳолда тез ишдан чиқиб қоласиз-ку?

— Шунга ўрганганмиз, кечаси тинч ётиш бизга, аксинча, оғирроқ.

Чўлда хаёл сураётган чол

Иссиқ ҳавода чарчаб келиб, салқин жойда мизғиб қолибман. Кўзимни очсам, ёнимда мезбон ўтирибди. Ташқарига чиқдим. Қуёш ҳовридан туша бошлаганига қарамай, дашт ҳали ҳам иссиқ ҳарорат пуркамоқда. Ҳовли ёнидаги кенг майдонда бир кекса киши жанубга қараб ёнбошлаб ётибди.

Девор соясига пўстак тўшалган, икки букланган ёстиқ ҳам бор. Чолнинг ёнида чойнак ва пиёла турибди. Эҳтимол, чол ҳам қуёшнинг ҳоври тушгач, соядан эндигина чиққан ва кекса суякларини чўлнинг қайноқ тупроғига тоблаб ётгандир. У чуқур ўйга толган. Бу мўйсафиднинг нима ҳақида ўйлаётганини, ниманинг ташвишини тортаётганини билгим келди. Нуроний чеҳрасига боқдим. Қордай оппоқ соқолининг учи сарғайиб кетган. Нури кетган кўзларини оппоқ киприклари ўраб олган. Қовунқоқидай буришиб кетган лаблари орасидан икки дона сариқ тиши гўё кераксиз-

дай чиқиб турибди. Унга қараб туриб, хаёлимдан яна шу савол ўтди: «Бу чол ниманинг ўйини сураяпти экан?» Кечирган умрининг дарёдаги сув каби тез оқиб ўтганига ачинаётимикин? Наҳотки, ўтган ҳаётдан пуншаймон бўлса, наҳотки, умрининг ҳаммаси маънос ва мазмунсиз ўтган бўлса.

Мўйсафид билан танишдим. Унинг исми Дўстмирза экан. У аллақачон саксондан ошиб кетибди. Лекин қанча ошганлигини ўзи ҳам аниқ айтолмайди.

Дўстмирза бобонинг икки ўғли бўлган экан. Бир ўғли Улуғ Ватан уруши жанглирида ҳалок бўлибди, иккинчиси унинг қўлида жон берибди. Кампири бу аламни кўтаролмай, дунёдан абадий кўз юмибди. Оғир фожиа! Ахир, кексаликда ёстиқдошни йўқотиш, соясига қувониб, невара-чевара кўраман, юртга тўй-томошалар бераман, деганда севимли фарзандларидан жудо бўлиш, ғариб қолиш инсон учун жуда оғир!..

Халқимизнинг ажойиб инсоний фазилатлари бор. Ҳамқишлоқлари унинг бағрини ердан кўтаришибди, колхозчилар ҳолидан хабар олиб туришибди. Яна бир неча йил ўтибди. Дўстмирза бобо оч эмас, лекин якка...

Бир кун Узоқ Уроқон Дўстмирза бобога: «Менга ота бўлинг, бизнинг уйимизга бутунлай келинг»— деб таклиф қилибди.

Дўстмирза бобо аввал ўйланиб қолиб, кейин ёш боладай ҳўнграб, Узоқни кекса кўкрагига босибди. Чол ўша кундан бошлаб Уроқонлар оиласининг ҳурматли аъзоси бўлиб қолибди.. Узоқ қайтадан оталик, Дўстмирза бобо эса фарзандлик бўлибди...

Бу ажойиб воқеага саккиз йил бўлган экан. Дўстмирза бобо билан яна у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турган эдим, қаердандир Лапас Мамадиев келиб қолди. У, чол билан самимий кўришди.

Жонбўзсойнинг кенг майдонида уч киши ўтирардик. Шу орада Дўстмирза бобо яна ўз хаёлига чўмди-да, Жонбўзсойнинг бепоён кўринишларига жиддий боқди ва лаби хиёл қимирлаб, нимадир деди.

— Нима деяпсиз, ота?— сўрадим мен унинг қулоғи тагига энгашиб.

— Чиқармикин?— деди у, ҳамон ўйланиб.— Бир вақтлар бу сойда Чиёл дарёси оққан дейишади.

Биз унинг нима ҳақда гапираётганлигига яна тушуна олмадик.

— Нима деяпсиз, ота?— деди раис ҳам чол қулоғига энкайиб.

— Шу чўлга ҳам сув чиқармикан? Чиқса-ку...— деди энди аниқ қилиб Дўстмирза бобо.

Жонбўзсой даласида ёнбошлаб хаёл сураётган чолнинг ўй-ташвишларига энди тушундик. Бу кекса бош, Жонбўзсойга сув чиқармикин, чиқса-ку... деган хаёл билан банд эди.

Дўстмирза бобо Пайшанба, Чироқчи, Қорабоғ бозорларидан нарини кўрмаган. Ҳатто кейинги ўн-ўн беш йил ичида туғилган қишлоғи Наймансаройдан ташқарига чиқмаган. Шунинг учун унинг тушунча доираси ҳам ўзининг Наймансаройи каби тор. У, Жонбўзсойга сув чиқишига шубҳаланаётгандай. Аммо унинг боши фақат шубҳа билангина банд эмас. «Чиқса-ку...» деган сўзларида халқимизнинг характерида хос ижодий романтика на-

Моён эдики, унинг буришиб қолган томир-ларида чўлга сув чиқариш завқи жўш уриб турарди.

— Чиқса-ку...— деди яна Дўстмирза бобо. Унинг назари Жонбўзсойнинг кенг уфқини қамраб олгандай эди.

Чолнинг шубҳа ва умид алмашилиб турган текса қалбини тинчитмоқчи бўлдимиз, ҳарқалай, раис бобонинг ёнига ўтириб олди, шошилмай очиқ чеҳра билан гапира кетди:

— Сиз оёғингизни тирайверинг, ҳали бардамсиз. Шу кўҳна Жонбўзсойда бир-икки йил ичида Қашқа сувларининг оқишини ҳам кўрасиз. Сиз, Жонбўзсойнинг асрлар давомида қақраб ётган тупроғинигина эмас, гулини ҳам, яшнаган боғ-бўстонларини, абадий баҳорини ҳам кўрасиз...

Раис чолнинг қўлтиғидан суяб турғизди. Мен ҳам турдим. Учаламиз чолнинг пўстаги ёнига келдик. Дўстмирза бобони шу ерда қолдирдик. Раис билан чўлнинг оқшомги шабадасида сайр этдик.

Унутилмас хотиралар...

Биз ёнма-ён секин одим ташлардик. Аслида камгап ва камтар раис ўйчан, жим кетарди.

— Қаранг-а, кеч бўлса ҳам олов пуркашини қўймайди-я,— деди Лапас Мамадиев бепоён чўлга боқиб.— Бу Жонбўзсойнинг ўтмишидан бизга қолган хотира. Сизларга буни унутиш қийин.

— Киши ҳаётида ҳам,— деб секин сўзида давом этди у.— Шундай воқеалар бўлар экан-

ки, киши уни бутун ҳаёти давомида унута олмас экан, қачонлардир кўрган нарсаларинг худди аввалгича кўз ўнгингдан ўтаверар экан. 1943 йилнинг март ойи эди,— суҳбатдошим чуқур нафас олиб, бир оз жим турди.— Немисларнинг катта кучи, техникаси Батайск станциясида турарди.

Бизнинг разведкачиларимиз Ростов — Батайск кўпригини портлатганда немисларнинг ҳалиги қурол ва техникаси бизга қолди. Мен хизмат қилаётган қисм Мамаев Курганда турарди. Ушанда фашистлар бизни шундай бомбардимон қилдики, қўяверинг, роса аламини сочди-да, аблаҳлар! Аммо бизникилар ҳам бўш келмадилар, албатта. Ердан зениткаларимиз, ҳаводан самолётларимиз тез орада фашистлар хуружини жойига келтириб қўйди.

Сталинград жангларидан омон чиқиб Мамаев Курганга келиб оғир ярадор бўлдим, кўп қон оққанидан ҳушимдан кетдим...

Раис хотиралар тўлқинида сузди шекилли, анча вақт жим қолди.

— Орадан ўн йил ўтганидан,— деди у секин бошини кўтариб,— 1953 йили курортга Кисловодскийга бораётиб, атайлаб Батайскка тушиб ўтдим, кейин Мамаев Курганга бордим. Уша шиддатли жангларда жон бериб жон олган жойларимизни кўрдим, қоним тўкилган тупроқни бориб ўпдим. Уша кунларнинг хотираси ҳамон сақланибди: онда-сонда бомба излари турибди. У кунлар хотирасини яраланган ердан ҳам, тикланиб битмаган баъзи иморатлардан ҳам, кишиларнинг юриш-туришидан ҳам кўриш мумкин эди.

— Биласизми,— чуқур нафас олиб деди ра-

ис,— ўша жойларни кўрганимда қирқ учинчи йилнинг март кунлари эсимга тушди, бошимдан кечирган воқеалар кўз олдимдан ўтди, асабларим кўзғалиб, бошларим ловуллаб кетди. Ўзимни Ростов — Батайск жангларида кўрдим.

Фақат Батайск жанглиригина эмас, бутун уруш давомида кечирган ҳаётим эсимга тушди. Уруш бошланиб қолганида мен кадровой армияда эдим. Хизматимни қарийб ўтаб уйга қайтиш хаёли билан яшардим. Шу вақт гитлерчилар Ватанимизга бостириб кирди, Улуғ Ватан уруши бошланди. Қўйингки, Мамаев Қургани кўрганимда урушнинг биринчи кунларидан бери кечирган бутун ҳаётим бирмабир хаёлимдан ўтди. Ҳаммаси — қочганим ҳам, қувганим ҳам, очим ҳам, тўқим ҳам, баъзи жангларда бир ўзим автоматим билан ўнлаб фашистларни қирганим ҳам, душман билан юзма-юз тўқнашиб найза жангларидан омон қолганларим ҳам, Днепр бўйларида қуршовда қолиб, душманга асир тушаёзганим ҳам, ертўлаларда беркиниб, кечалари қор кечиб, ўз қисмимга зўрға қайтиб келганим ҳам, Сталинград жангларида кечирган кунларим ҳам — ҳаммаси хотиримда жонланди. Яна қаерда денг? Оғир ярадор бўлиб йиқилган жойда, қоним тўкилган баландликда туриб эсладим.— Лапас Мамадиев чуқур нафас олди-да, пешонасини силаб ўйчан ҳолда ўрнидан турди.— Қиши ҳаётида ана шундай абадий сақланадиган хотиралар бўлар экан.— Бир оз жим турди-да, қўшимча қилди:— Биз ҳозир ҳам жанг қиляпмиз. Жонбўзсойни Жонбўзобод, Жонбўзжаннат қилиш учун жанг қиляпмиз. Бу

жангимиз ҳам ҳазилакам жанглардан эмас. Жонбўзсойнинг қисқа вақт ичида боғу бўстонга айланганини кўрган кишилар унинг кечагина жизғинаги чиқиб ётган сахро эканлигини эслайдилар. Ушанда биз унга қараб: «Эҳ, Жонбўзсой, ҳолинг шу экан-у, бир вақтлар нафасингдан олов пуркардинг-а. Энди халқимизнинг, партиямизнинг иродаси билан қандай жаннат жойга айландинг, ўзингга бир боқ» деймиз-да, Жонбўзсойнинг ўтмишини эслаймиз.

Чўлнинг истиқболи

— Ҳа, чўлнинг бағри, истиқболи энди очилди,— деди суҳбатдошим битта-битта ўйчан қадам босиб.— Жизғинаги чиқиб ётган бу Жонбўзсойни уч-тўрт йилдан кейин келиб кўринг. Таниёлмай қоласиз...

Лапас Мамадиев қирқдан сал ошган, соқол-мўйловлари қирилган ўрта бўй, барваста киши. У Қашқадарё область, Қамаша районидаги Ленин номли йирик колхозга саккиз йилдан бери раҳбарлик қилиб келади. Бу колхоз 1958 йилда 1400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 24 центнердан пахта етиштирди. Бу йил эса, 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Шу жумладан, Жонбўзсой участкасида 1958 йилда 280 гектар, бу йил эса, 370 гектар пахта экилган. Жонбўзсойнинг бу ўзлаштирилган қисмига эски Бердиали ариғидан сув чиқаришган. Лекин бу ўзлаштирилган ерлар ҳақиқий Жонбўзсойнинг дарвозасигина. Бердиалининг озгина суви ўртаниб ётган Жонбўзсойга етолмай қуриydi.

Бу ерларнинг чанқоғини қондириш учун

Чимқўрғон сув омбори қурилмоқда. 1961 йилдан бошлаб у Жонбўзсой чўлларига сув бера бошлайди. Яна икки-уч йил ичида Жонбўзсойда пахта майдони икки минг гектарга етади.

Ҳозирги олов сочаётган Жонбўзсой юқори ҳосилли пахта далаларига айланади. Кишилар қўли билан нози-неъматлар яратилади, боғлар, узумзорлар барпо этилади, ўрмонлар бунёд бўлади.

Лапас шу Жонбўзсойда туғилиб ўсган. Унинг ота-боболари ҳам шу ердаги Жонбўзқуччи деган қишлоқчада умр ўтказганлар. Уларнинг бутун авлод-аждоди ўз тупроғида оқар сувга тўймай ўтган.

Лапас Мамадиев ўз атрофига халқ иши учун жонини аямайдиган толмас кишиларни уюштирган. Колхоз партия ташкилотининг секретари Бекмурод Эшбоев, қурилиш бўйича раис ўринбосари Тоштурди Калаев, ёш мутахассислардан зоотехник Шоди Чориев, агроном Нормурод Темиров, бош бухгалтер Шо-йимардон Хўжанов, механиклардан Эшдавлат Қўчқоров, Қарим Мелиев, пахта усталаридан Хидир бобо Раҳмонов, Хоним Эшмуродова, Турсуной Ўтаева, Бобохон Қулбулов каби ажойиб кишилар кўп.

Ана шу жонбозлар ҳаракати туфайли Жонбўзсой асрлар давомидаги уйқусидан уйғонмоқда. Таслим бўлаётган чўл ўз қучоғини кишиларга тобора кенг очмоқда.

Ҳа, Жонбўзсойга жон кирмоқда...

*Қашқадарё область, Қамаш
районидаги Ленин номи кол-
хоз. Август, 1959 йил.*

ИЗЛАНИШ

1

Кечаси билан ёғиб чиққан ёмғирдан ҳаво нам, ер эса лой эди. Ғарбга томон талпинаётган қуёш гоҳ кулиб, гоҳо фазода кезиб юрган булутлар тагига беркинарди. Шундай баҳор кунларининг бирида, эҳтиётдан плаш қўлтиқлаб дўстим Ҳамдам Бердиёрович Бердиёровни кига кириб бордим. У — филология фанлари кандидати, доцент, ширинсухан, шўх латифаларга, «теша тегмаган» сўзларга бой ҳамсуҳбат.

Киши захрини киши олади дейишади. Сўзга бой, ўзи ҳам кулиб, бошқаларни ҳам кулдириб, дўстлар даврасини безайдиган «гурунг-подшоси» ни одатда: «Кишининг жони экан» деб ҳам таърифлашади. Дарвоқе шундай. Бундай кишиларда ҳикмат катта: жозибаси зўр, меҳр ўти эса, қуёшдай кучли. Ўзим одатда чарчасам ёки бирон нарсадан хафа бўлсам, кўпинча ўша менга таниш даргоҳга қараб йўл оламан. У ердан эса уйга қандайдир бардам, қувноқ ва хушвақт қайтаман. Ҳозир ҳам унинг дийдори, ширин суҳбати ўзининг қандайдир кўзга кўринмайдиган нафис, саноқсиз иллари

ИНВЕНТАР № _____

Замшота А. Р. У. К. 7/1/20

билан мени бу хонадонга етаклаб келган эди. Чиндан ҳам узоқ йиллар давомида синашиб, бир-бирингнинг яхши фазилатларингни ҳам, камчиликларингни ҳам билиб, яхши кунларингда сен билан бирга қувониб, тангроқ кунларингда эса кунингга яраб, туғишганингдан ҳам зиёдроқ бўлиб қолган дўстинг билан учрашиш, яйраб-яйраб кулишиш, дардлашиш, баъзан эса қора терга тушгунча баҳслашиш қанчалик ширин!..

Ҳовлига киришим билан диққатимни жалб этган нарса — ишкомлар ёнида чўғдай ёниб турган гуллар бўлди. Мен уларга қўлим билан тегишга ҳам кўнглим бўлмай, сал энгашиб томоша қилардим.

— Ҳа, бунчалик лол бўлиб қолдингиз, юракдан чиппа олдим дейман, — кулимсираб деди иш кабинетидан чиқиб келаётган дўстим ва қўлига ойнагини олди-да:

Шундай гўзал баҳорнинг гули,
Ундан гўзал биз ўсган ҳаёт.
Гул тутади ҳур инсон қўли,
Гулга тўлган бутун коинот.

дея ҳурматли шоирамиз Зулфиянинг шеърдан олинган тўртликни ёддан ўқиди. Биз самимий кўришдик.

— Ажойиб гуллар экан. Бунақасини кўрмаган эдим.

Шу пайт дарвоза очилди. Эшикдан чамадон кўтарган қотма, ўрта бўй бир киши кирди. Унинг бошида эскироқ кўк кепка, шу рангда узун енгил пальто, оёғида эса катта, бесўнақай керзовой этик. Унинг чечак доғ қолдирган юзида қандайдир беозорлик, осойишталик.

— Ана, гуллар худоси,— секин деди Ҳамдам Бердиёрович. Мен унинг гапига тушунмадим.

— Хўш, қаердан келяптилар? — сўрашганимиздан кейин деди уй эгаси келган кишига.

— Боғдан,— қисқагина қилиб деди у.

«Шундай лой этик билан боғда пима қиларкин...» — менинг хаёлимдан шаҳар истироҳат боғи ўтди. «Қишлоқдан келган меҳмонларданмикан?» Уйга таклиф этишди. Бироқ келган киши узр сўраб, кетишга ҳозирланди.

— Узум оласизми, баргми? — дарвоза томон юра туриб у тоқларга боқди.

— Узум ҳам, барг ҳам,— Ҳамдам Бердиёрович кулимсиради.— Малаҳатингизни кутиб турибмиз.

— Менга қўйиб берсангиз,— у киши ҳам кулди,— буларнинг ярмини кесиб ташлайман.

Сўнра эртага келишни айтиб хайрлашдида, чиқиб кетди.

— Қим бу? — у дарвозадан чиқиб кетиши биланоқ сўрадим дўстимдан.

— Ие, ҳали сиз уни танимайсизми? — Ҳамдам Бердиёрович кўзойнаги остидан синчиклаб қаради.— Э, омон бўлинг.

Менинг чехрамдаги «қайдан билай» деган маънони уқди шекилли, у яна:

— Наҳотки доцент Қабиловни танимасангиз, бир шаҳарда туриб-а,— деди жиддий оҳангда ва уйга бошлади.

— Кўрдингизми, бундоқ қарашда оддийгина одамга ўхшайди,— болишга ёнбошлашни таклиф этаркан, кулимсираб деди дўстим ва «келин унда кўп гап бор» дегандай кўзларини маъноли қисиб қўйди.— Унинг керзовой

этикни судраб юришига қараманг, у ҳозир университет Ботаника боғидан келяпти. Тағин у ерда сайр қилиш учун борган экан, деб ўйламанг. Асло бундай эмас. Яхшиси, ўзи билан танишинг — қанақалигини биласиз қўясиз.

Ҳа, биз олим билан танишдик. Жаббор Тиллаевич Қобилов жуда содда, камтар ва самимий киши экан. У кишилар билан гаплашганида «жўра» сўзини кўпроқ ишлатар, суҳбат вақтида эса, унинг чеҳрасида доим беозорлик, софдиллик барқ уриб турарди. Унинг чечак доғ қолдирган юзларида ҳам қандайдир ўзига хос гўзаллик, ҳатто, бир лабининг салгина эгрилиги ҳам хунуклик эмас, фазилат касб этиб тургандай.

2

...Жаббор Тиллаевич лекциядан чиқиб кафедрга кирди. Шу пайт биров эшикни тақиллатди. «Марҳамат» сўзидан кейин икки ёш киши салом бериб кириб келди. Кўришишди. Олим уларни ўтиришга таклиф қилиб, ўзи ҳам ўтирди.

Сўнг стол тортмасига қўл чўзиб журналга ўхшаш икки дафтар олди. Улардан бирини секин варақлар экан: «Тузук тер тўкибсиз» деб қўйди ва академик Қ. З. Зокировнинг республикамиз озуқа экинларига бағишланган асарларини яна бир кўздан кечириб чиқишни тавсия этди. Иккинчисига боқди:

— Жўра, сизнинг ишингиз менга ёқмади,— деди у шогирдига.— Диплом иши бу, студентнинг тўнғич илмий асари, унинг илмий ишга қанчалик қобилиятли эканини кўрсатув-

чи биринчи синов.— У ўрнидан турди, сочини силлиқ қилиб тараган қорамағиз думалоқ студент ёнига келди.— Сиз ўқиган асарларингиз ҳақида мукаммал изоҳ беришни қўйинг. Илмий иш устида ишлаганингизда ўзингизни бепоён денгизда сузиб юрган денгизчи деб ҳис этинг. Кўрсатилган адабиёт сиз учун фақат компас ва қўлланма бўлиб хизмат этсин. Сизнинг асосий ишингиз — изланиш ва мумкин қадар янги фикр топиб, уни дадил туриб айтишдан иборат бўлмоғи керак. Диплом ишини ёзганда аччиқ тер тўкинг, жўра. Бундан келажакда умид қилса бўладиган ишнинг ҳиди келиб турсин. Шундай, жўра, қайта кўриб чиқасиз,— у шогирдлари билан қўл бериб хайрлашди.

...Доцент Қобилов иш столи ёнида бир ўзи ўтирибди:— «Шогирдларимни хафа қилиб қўймадиммикан?— секин пичирлади у. Янги фикр... ахир, у ҳали студент-ку. Энг муҳими, унинг илмий ишга бўлган иштаҳасини бўғиб қўймадиммикан? Ёш кишини умидсизлантириш осон, лекин қанотлантириш?.. Аммо, инсоннинг табиати қизиқ. Баъзиларга «бўлмайди» десанг, «бўлмас экан» деб қўлларини қўлтиғига суртиб кетаверади. Аксинча, баъзи кишиларга «ишингиз ярамайди» деб кўр-чи, аввал темир бўлса, кейин пўлатга айланади-қолади. Буниси қандай экан? Ҳар ҳолда ёшларга эҳтиёт бўлиш керак».

У, стол тортмасини очиб, ниманидир ахтарди, яна ёпди. «Гул ўстираётган боғбон билан педагогни тенглаштиради бўлармикан. Ҳа, бўлади, улар бир-бирига ўхшайди. Фарқлари шуки, уларнинг бири табиатнинг энг но-

зик мўъжизаси — гулни тарбиялаб, вояга етказиб, кишиларга завқ-шавқ бағишлайдиган гўзаллик яратса, иккинчиси эса, гулдан ҳам нозик, гулдан ҳам азиз ва дунёдаги бутун гўзалликни яратадиган инсон билан иш кўради. Дунёда педагогикадан ҳам оғир, масъулиятли ва муқаддас иш бормикин!..» Жаббор Тиллаевич бошини кўтарди. Унинг чеҳрасида майин табассум жилва қилди...

3

Кафедра ёнидаги кичиккина хона. Деразадан мўралаб турган қуёш олимнинг кумуш оралаган қўнғир сочини заррин нури билан безаб турибди. Кафедрада дароз лаборантканинг ёзув машинкасини тўхтовсиз чиқиллатиши гоҳо-гоҳо унинг қулоғига чалинади...

Дераза ёнидаги жовонда катта-кичик шаҳарларнинг номи ёзилган халтачалар. Уларда Иттифоқимизнинг турли илмий текшириш институтларидан, тажриба участкаларидан, ботаника боғларидан олинган уруғлар. Яна бир жовонда турли экспонатлар. Жой торлигида улар устма-уст тахланган. Хона деворларидаги ойнали рамаларда «Грекум — 752», «Ватан», «Қизил буғдой», «Новоукраинка — 83», «Степная — 137», «Лютецене — 17», улар билан бир қаторда олимнинг ўз селекциясидан чиққан «Ўзбекистон», «Самарқанд» каби буғдой навларининг йирик бошоқлари турибди. Яна махсус қутичаларда донлар...

Доцент Қобилов «Ўзбекистон»нинг йирик узун, кокилли донларини қутичалардаги бошқа донлар билан солиштириб ўтирар, хаёл уни

кафедрадан университет тажриба участкаси-га, унинг селекцияси синовдан ўтаётган колхоз далаларига олиб кетарди: кўз ўнгида Зарафшон шабадасида сўлим қиздай тебраниб, ўзича алланималар деб шивирлаётган бугдойлар жонланарди. Олим даладаги кузатишларини лаборатория анализлари билан таққослаб кўрарди. Донининг йириклиги «туя тиш»га ўхшайди. Лекин бошоқлари икки қатор, буники тўрт қатор. Бўйи ҳам икки барабар узун»— У ўрнидан туриб, деворга осиглиқ турган «Ўзбекистон» бугдойининг ойнада турган танасига синчиклаб қаради. «Гуллаш вақтида ҳаво сернам келса, ёки бир мартагина суғорилса, мўлжалланган ҳосилни олиш мумкин эди. Иттифоқимизнинг сернам, сувга бой районлари учун «Ўзбекистон» жуда яхши натижалар бериши мумкин. Аммо, бизнинг республикамизда сув азиз, уни асосан лалмига мослаш керак».

Ёзнинг иссиқ кунлари. Жаббор Тиллаевич Ғаллаорол район, Ленин номли колхоз далаларида сомон шляпасини қўлига олиб, бош яланг юрибди.

Жиззах тоғларидан ошиб, «Темир дарвоза»нинг гранит қоялари билан олишиб, қаноқ қоқиб келаётган шабада унинг қўнғир сочларини сийпалаб ўтади. «Авжи яхши. Қаддибаста ҳам...» Бахтга қарши, у йили баҳор кам нам келди. Шундай бўлса ҳам Жаббор Тиллаевич колхоздан келган актларни варақларкан, «Ватан»—8,2 «Грекум—752»—8,1, «Ўзбекистон»—20 центнер, деб ўқиди-да: «Тузук» деб қўйди. Кейин кафедра деворидаги экспонатларга қараб турди-да, университет таж-

риба участкасидан олинган ҳосил билан тақ-қослади:— қирқ центнер...— У, бошини қашлаб «Хатлар папкаси»га қўл чўзди. Унда Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган расмий ёзишмалар, унинг иши билан қизиқаётган колхозчилар, шогирдлари ва дунёдаги машҳур ўсимликшунос олимлардан келган хатлар...

Негадир доцент Қобилов Чечен-Ингуш автоном республикаси Қарали шоли уруғчилик станциясидан келган хатга узоқ тикилиб турди: «Гектаридан 54 центнер ҳосил... биздан ҳам кўп ҳосил олишибди. Бу яхши. Аммо, хиналагани, қисман ётиб қолгани...»— У ўз кузатишларида «Ўзбекистон» буғдойининг бошқа буғдойлар хиналаб кетганида ҳам хиналамаганини, бўйи қарийб икки метрга ўсиб ҳам ётиб қолмаганини эслади. «Ҳали янги иқлимга ўрганмабди, вақти билан шароитга мослашиши керак...— деди-ю, ўзи ҳам қаноатланмади, яна изланаверди.

«Ўзбекистон» билан «шоҳли» буғдойни эркин шароитда чанглатиш йўли билан беш йил давомида янги синовлар, кузатишлар олиб борилди. Олинган дурагай ўзининг биологик хусусиятлари жиҳатидан барқарорлигини, кўп жиҳатдан ўз авлодларидан устун эканлигини кўрсатди. Олим бу дурагайига «Самарқанд» деб ном берди.

— Бу ҳам табиатан иккиёқлама — ҳам кузги, ҳам баҳори,— дейди у дурагайини қисқача баёнлаб.— Серҳосил, қурғоқчиликларга чидамли. Зангбуруғ, қоракуя касалликларига учрамайди. Қилтиғи қора-ю, дони оқ, оқсилга бой.

Жаббор Тиллаевич кафтини иягига тираб уйида — иш кабинетида ўтирибди. Ташқарида совуқ шамол гувуллайди. Қўшни хонадан кичик ўғли Анварнинг ҳадеб акса уриб ўқтин-ўқтин йўталаётгани эшитилади. «Ўпкаси шамоллаб қолмасин-да. Ҳа, айтгандай, Саодат бундай ҳавода қандай юрибди экан,— ота пахтага кетган қизни эслади. Турган хонасининг поли, деразаси, печкаси бормикин... Эсон-омон келсин-да», у жойидан турди, юзида қандайдир жиддий ифода кўринди ва хаёлга чўмди: «Биз ўз боламизни қисқа муддатга пахта тергани чиққанида ҳам озодагина, иссиққина жойда яшашини истаймиз. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур... Ҳа, шундай. Пахтакор меҳнатини қадрламоқ учун унинг ажойиб ва машаққатли меҳнатини кўрмоқ, билмоқ, тўғри тасаввур этмоқ керак»,— дераза ёнига бориб, тун қоронғилигига боқди, шамолнинг увлашига қулоқ солди, кейин диванга келиб ўтирди. Кўзи рамкадаги хитой раққосасига тушди, унинг гўзаллигига мафтун бўлиб анчагача тикилиб турди. Ҳозир негадир унинг ёноқларини гоҳ георгина, гоҳ гўза гулига ўхшатди. Кейин у раққосага ортиқча боқишга ҳам юраги дов беролмаётгандай ерга тикилди: «Бу яна кимга ўхшаса?.. Ҳа, Гулбаҳорга ўхшайди!.. Йўқ, у бундан ҳам гўзал эди,— хаёл уни узоқ ўтмишга — студентлик йилларига олиб кетди.— Гўдак эканмиз...»— У ҳозир ўшанда севган қизи билан ҳатто бирон марта ҳам гаплашолмаганини, учинчи курсга ўтгач эса, қиз бошқа бир йигитга тур-

мушга чиқиб кетганини эслади ва худди елкасида чумоли ўрмалагандай бўлиб кетди. Жаббор Тиллаевич секин ёстиққа ёнбошлади, отасининг хона тўридаги деворда осифлиқ турган расмига кўзи тушди. «Раҳматли бизларни боқаман деб, бутун умри нонвойхонада нон ёпиб ўтди. Бизларни одам қилди-ю, ҳузури-мизни, кўролмади...»— отасининг оппоқ соқолига, нуроний юзига меҳр билан боқди ва негадир уни машҳур кишиларга ўхшатди. Бир оздан сўнг яна отасининг ақлли кўзларига, кенг пешонасига, соқолларига тикилди: «Улуғбекнинг ўзгинаси...», деди-ю, бир нарсани эслаб, беихтиёр кулимсираб қўйди. Университетни битириб Бухоро пединститутида ишлаётган Жаббор Тиллаевич отпускага келган эди. Ушанда у кўп вақтдан бери йиғиб юрган бир ҳовуч тангани отасига узатди. Отаси аввалига ўз кўзларига ишонмай, ўғлига боқди, кейин: «Болам, бунча пул қаердан?— сўради ташвишланиб. Ахир, у умрида ҳеч қачон бунчалик кўп пул кўрмаган эди-да. Ушанда отаси танга пулларнинг ҳисобини чиқариш учун бошқа йўл тополмай нўхат билан қайта-қайта санаб икки кун овора бўлган эди. «Улуғбек...— бутун коинотни ҳисоблашни билган...»— ҳозир у шуни эслади. «Раҳматли...»,— Жаббор Тиллаевич дивандан туриб, иш стол ёнига келиб ўтирди. Стол устидаги китоблардан бирини олиб варақлади, яна ёпиб қўйди. «Пахта...»— олим ўзича секин пичирлади. Энди унинг юзи жиддийлашган, пешонасидаги ажинлар қуюқлашган, лаблари бирига зич ёпишган, кўзлари қаерларгадир, узоқларга тикилган эди. Хаёл эса...

«Шундай кунларда ҳам пахтакор...»,—у

шогирдлари билан пахта териб сал дағаллашиб қолган бармоқларини папирос қутисига чўзди,—«Ҳосилни исроф қилмай, вақтида йиғиб-териб олиш учун... тез пишар, сифатли ва ҳосилдор пахта навлари керак. Пахта селекцияси устида ишлаётган олимларимиз, тажрибакорларимиз бутун ақлини, идрокини пахтакор меҳнатини енгиллатишга сарфласагина... Оҳ, кошки эди у ҳам озгина бўлса-да, бунга ўз ҳиссасини қўшса...»— У қошларини чимириб, узоқ ўйлаб турди. «Ҳозирги мавжуд навлар ёмон навлар эмас. Лекин улар билан қаноатланиб бўладими? Табиатда бирон нарса ўзгармасдан туриши мумкинми, ахир? Йўқ, албатта. Айниқса селекция. У — биологиянинг энг ўзгарувчан тармоғи. Бугун янги, эртага эса...»,— олим ўзининг пахта селекцияси устида олиб бораётган ишларининг биринчи якунлари кутганича натижалар бермаётгани учунми, у маъюс жим қолди... Хаёл бир ондаёқ уни тажриба участкасига, колхоз далаларига, кафедрага олиб келди. «Изланавериш керак. Биринчи муваффақиятсизликлардан қўрққан киши...». Хўрозларнинг қичқириви эшитилди. У бир оз мизғиб олиш учун ётоғига кириб кетди.

Дам олиш кунларининг бири. Ёз қуёши саховат билан борлиққа нур сочмоқда. Доцент Қобилов эрталабдан тажриба участкасида юрибди. Унинг эғнида оқ зефирдан кўйлак-финка, бошида сомон шляпа. Кўк трико шимининг почаси қайтарилган. Қўлидаги қора сумканинг бир бурчидан булка ноннинг қирраси кўриниб турибди. Чехраси очиқ. Мана у ҳовуз ёнидаги тол соясига келди, шляпасини

унинг шохига илди-да, қоғозга ўралган нарсаларни кўтариб, гуллаб турган ғўзаларга қараб юрди. Пайкалга чўнқайиб ўтирди-да, ғўза баргларини силаб: «С—460» ғўза гулининг оталик уруғини хибискуснинг оталик уруғи билан аралаштириб, сўнгра 18 819 ғўза гулининг оналик уруғи билан чанглаштирилса...», деди-да мўйчинак билан 18 819 ғўза гулининг ота уруғларини бутунлай олиб ташлади. Кейин яхши пишиб етишсин ва ўзининг бошқа ота уруғлари билан чангланаиб қолмасин деб, устидан марли билан ўраб қўйди. С—460 ғўза гулидан оталик уруғини олиб, хибискус гулининг оталик уруғи билан аралаштирди.

— Биринчи чанглатишдан олинган уруғ ҳали нав эмас,— дейди Қобилов, бизни огоҳлантириб.— Ҳатто, у гибрид ҳам бўлолмайди. Бунинг учун кўп марта синаб кўриш керак. Ҳаммасига вақт, йиллар керак... Ҳа, бизнинг касбимизда сабо, чидам талаб қилинади.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Ниҳоят у ҳалиги навлардан 21-сонли дурагайни олди. Олинган дурагайнинг серҳосил ва эрта пишарлигига севинди. Аммо, ҳосил шохларининг ҳаддан ташқари ўсиб кетганига зеҳн солиб: «Машина билан теришга ярамайди» деган фикрга келди.

Яна янги изланишлар, янги-янги синовлар...

«Юқори ўсимликлар кафедраси» ёнидаги кичкина хона. Коридорларда жимлик ҳукм суради. Жаббор Тиллаевичнинг қўлида 44-сонли янги дурагай. Буни у 108—Ф ва С—460 навларини чанглатишдан олган. Унинг иш

столида 1951 йилдан бери олиб борилган кузатишларнинг жадваллари, тажриба участкасининг кўрсаткичлари ҳамда лаборатория анализлари...

«Пахтакор меҳнатида ҳали ортиқча ташвишлар кўп. Уни енгиллатиш, уларнинг иш соатини ҳам давлат хўжалигидаги ишчиларнинг иш соатига тенглаштириш учун ягона йўл... Ҳа, фақат механизация. Бошқа йўл йўқ. Хўш, пахтакор олдида республика машина-созлари, инженерлари, конструкторлари кўпроқ қарздорми, ёки уруғшунос селекционерлар?».

Бу саволга жавоб бериш қийин туюлди шекилли, у анчагача сочини ғижимлаб ўйлаиб қолди. Хаёлини пахтакор ҳаётига кириб келаётган янги-янги машиналар ҳақидаги фикрлар чулғаб олди.

— Ҳа, пахтакорларимиз олдида кўпроқ селекционерлар қарздор,— гўё бирон кишидан ийманаётгандай секин пичирлади. — Ахир ҳозирги тез пишар деб ҳисоблаб юрган пахта навларимиз пахтакор орзусига жавоб бера оладими? Йўқ, жавоб бера олмайди. Улар фақат, пахта навини яхшилаш йўлидаги биринчи одимларгина бўлиши мумкин, холос. Демак, бу ҳали айни муддао эмас. Биз терим мавсумини ноябрь бошларида тугатадиган бўлмагунимизча буни айни муддао деб айтолмаймиз. Бу масала устида кишилар аллақачонлардан бери бош қотиришяпти, изланишяпти. Ахир, пахтанинг тез пишар навлари ҳақидаги гап айрим кишиларнинггина хоҳиши эмас-ку. Бу — халқ орзуси, халқ талаби. Демак, ҳаёт талаби, юрак хоҳиши!

Доцент Қобилов анча вақтдан бери селекция соҳасида гамма нурларининг таъсирини синаб кўриш ҳақида ўйлаб юрарди. Кунларнинг бирида уни умумий физика кафедрасининг мудирини, фан кандидати Муса Мўминович Мўминов худди шу масала бўйича ҳамкорлик қилишни сўраб қолди. У жон-дили билан рози бўлди, албатта. Шундай қилиб, янги синовлар бошланди. Энди унинг иш кўлами ҳам, ташвишлари ҳам кўпайди. Хаёл уни гоҳ университет Ботаника боғига, гоҳ Ғаллаорол ва Самарқанд районларидаги лалмикор майдонларга, гоҳ эса Пастдарғом районидаги гамма нурлари устида синовлар олиб борилаётган пахта далаларига олиб кетар эди. Мана, ҳозир ҳам у хаёл денгизиде фарқ бўлиб, қия очилган дераза дарчаси олдида тик турибди. Ташқаридан хонага соф ва хушбўй ҳаво анқимоқда.

«Гўри Амир» мақбарасининг зангори қуббаларига гўё осмон келиб қўнгандай. Кўкда булутлар сузмоқда. Кўринишдан олим бу манзараларга қараётгандай бўлса ҳам, аслида у ўз ўйлари билан банд эди. Ҳатто, у дераза дарчасига келиб қўнган икки мусичани ҳам пайқамай қолди. Жаббор Тиллаевич ўзининг педагоглигини, ҳали бир шаклга тушириб улгурмаган докторлик диссертациясини, дарс нагрузкаларини, жамоат ишларини ўйларкан, хаёл уни яна узоқларга олиб кетади. «Вақт, вақт...» — у секин юриб жавон олдида борди ва гамма нурлари билан нурланган гибридларини (41,44) олиб иш столига қўйди. Шу

вақт хонага унинг меҳнатсевар шогирди, ассистенти Санталат Тошпўлатова кириб келди. Саломлашишди.

— Илк натижалар ёмон эмас-а?— шогирдига қараб деди Жаббор Тиллаевич.— Бу масалада бош қотирса бўлар экан.

— Албатта, домла,— аёлларга хос назокат билан жавоб берди Санталат.

— Бу масала ҳали жуда кам ўрганилган,— давом этиб деди Жаббор Тиллаевич.— Тажрибаларни давом эттираверишимиз керак. Бу ҳали олимларимиз учун очилмаган қўриқдай гап.

Санталат яна «албатта» деган маънода бошини ирғади ва домласи узатган журнални олиб кафедрага чиқиб кетди.

Хонада яна Қобиловнинг ўзи ёлғиз қолди. У шошилмай тортмани очди. Ундан эски бир папкани олди-да, қоғозларни титкилай бошлади. Бирдан сарғайиб кетган қалин картон қоғозга чизилган харитага кўзи тушиб қолди. Бу, шумғия соҳасида 1937 йилдан бошлаб олиб борган илмий ишларининг натижаси эди. Шу топда Жаббор Тиллаевичнинг қалби ширин хотираларга тўлди. Шумғия пашшаларининг Ўзбекистонда тарқалган турлари ҳақидаги ўз фикрларини эслади. Худди шу соҳадаги илмий ишлари туфайли унинг номи ҳам бошқа кўпгина машҳур олимларнинг номлари қаторида «Русская ботаника», «Флора СССР» каби мунтазам тўпламларда тилга олинган эди.

Харита унга яна бир нарсани эслатди: Ушанда баъзи ҳамкасбларининг: «Э, гўдакча, Америка очмоқчи» деганлари гўё ҳозиргина айтилгандай қулоғи остида жарағлади. Шу

вақт чехрасидаги беозорлик, қувонч ўрнини қандайдир жиддийлик эгаллади. Ахир ҳалиги сўзлар қайта акс садо берди-да.

Лекин кўп ўтмай, юзи ёришди. Энди мамлакатимизнинг қатор машҳур олимлари: академиклар — Н. В. Цицин, П. М. Жуковскийлар, биология фанлари доктори ўзбек академиги Қодир Зокирович Зокиров, фан доктори профессор Аҳрор Тўлаганович Тўлаганов, университет профессори Евгений Иванович Проскаряков, Бутуниттифоқ Ботаника институтининг профессори Иван Тихонович Васильченко, университетнинг собиқ ректори, доцент Муса Мўминович Мўминовлар билан боғлиқ бўлган ширин хотиралар кўз ўнгидан бир-бир ўта бошлади. «Агар улар... ҳа, улар бўлажак олимнинг қалбида ўт ёқмаганида...», — ҳозир у ўз устозларига миннатдорлик ҳисси билан тўлган илиқ сўзлар айтгиси, агар улар ёнида бўлса, кўп йиллар давомида йиғилиб қолган ҳис-туйғуларини тўкиб сочгиси, бағрига босиб кучоқлагиси келди. Шу он унинг кўз ўнгидан босиб ўтган бутун ҳаёт йўли бирма-бир ўтди: Самарқанд ёнидаги жонажон Ғазара қишлоғи, саводсиз ва қашшоқ оила, сағирлик, болалар уйи, колхоз ёшлар мактаби, педагоглар курси, университет...

Турмушнинг аччиқ-чучукларини кўрган олим, университетда илмий ходим бўлиб ишлаб бошлаганидан бери тинимсиз изланишлар билан яшади. Ахир, унинг шумғия соҳасидаги илмий ишлари, селекция соҳасидаги илк изланишлари уйқусиз тунларининг натижаси эмасми?!

Тожикистоннинг Маччо районидаги Искан-

дар кўлидан бошлаб Бухоро этагидаги Маҳон кўлигача Зарафшон водийсини кезиб чиққани, Фарғона, Қорақалпоқ, Хоразм ерларида неча марталаб экспедицияларга бошчилик қилиб юргани, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида, Тожикистон тоғларида гоҳ жазирама иссиқда, гоҳ эса, абадий музликларда эшак ҳайдаб юз чақиримлаб сўқмоқ йўллари босиб ўтгани, тоғ қишлоқларида орттирган танишбилишлари, «Чакмон куйди» чўққисида эшаксиз қолгани, «Супри тош»да айиқларга дуч келгани...— ҳаммаси унинг хотирасида.

— Ҳаётда ҳеч нарса ўзидан-ўзи амалга ошмайди,— дейди секин, аммо жиддий Жаббор Тиллаевич.— Баъзан ҳатто эришган янгилигини ҳам тезда тан олишавермайди. Лекин шуниси ажойибки, бизда соғлом, янги фикр ҳар доим ўзига йўл очиб, олға қараб кета олади. Ажойиб давримиз, ажойиб халқимиз бор. Бундай даврда яшагинг, излагинг ва яратгинг келади.

Олим қалбида ҳаётбахш куч, қанотли илҳом жўш уради, юзларида эса енгил табассум жилва қилади.

*Август,
1960 йил,*

ҚАШҚАМИЗ КУЛИБ БОҚАДИ

Қашқадарёнинг ўнг қирғоғидаги дўнгликда Дўстберди қишлоғи савлат тўкиб турибди. Дўстберди... нақадар гўзал ва жарангдор ном! Қим сени биринчи бўлиб шу ном билан атади экан? Узоқ ўтмишда ҳам дўстлик (дўстлик бор жойда эса, вафодорлик, жасорат ва мардлик ҳам бўлади) боболаринг фазилатимиди? Тоғ қоялари сингари салобатли тепаларинг ўз сукутида ҳам нега бунчалик мағрур кўринади? Бир вақтлар ҳисобсиз тўкилган тер ва қонлар эвазигами? Ёки ўтмишда қанча-қанча тарихий воқеалар, шиддатли жанглар гувоҳи бўлганинг учунми?!

* * *

Дўстберди этагидан Қашқа оқади. Баҳор кунлари у баджаҳл бўлиб кучга тўлади ва яшаради. Баъзи серёмғир йиллар эса, у қирғоқларига сиғмай маст туядай бўкиради, атрофига кўпик сочиб ўшқиради, ҳайқиради, бе-дов отдай ўйноқлаганича ҳадеб қаерларгадир шошилади. Дўстберди болалари ҳам дунёга

келишлари билан Қашқа нафасига ўрганадилар, қандайдир азиз ва майин шарпалар уларни эркалаб, юзларидан секингина силаб ўтади. Ҳатто, унинг «қутурган» вақтлардаги ёввойи саси ҳам оналарнинг бешик устида туриб айтаётган «алла»лари билан қўшилиб кетадида, қандайдир гўзал мусиқий куй касб этади...

Дўстбердининг яшил пахтазорлари, боғбўстонларига ҳам Қашқа ўзининг ҳаётбахш жилоси билан сайқал бериб туради.

Ана, квадрат-уялаб экилган гўзалар саф тортиб турибди. Кенг далада «универсал» майин қалқиб юрибди. Уни ёш универсалчи Даврон Исанов бошқармоқда. Ёнига звено бошлиғи Узоқ Эшдавлатов чиқиб олган. Эҳтимол, у ҳали ёш универсалчига унчалик ишонмас, шунинг учун унинг ишини кузатиб бораётир. Ахир кузатмай бўладими. Даврон Исанов универсални бор-йўғи учинчи кун мустақил юргизяпти. Шундай бўлса ҳам, унда шошилиш, ҳовлиқиш аломати йўқ. У, универсалдан тушиб, биз томон келаётганида ёнимизда турган мактаб ўқувчиси Намозча ғурур билан: «Менинг Даврон тоғам!» деди.

Намознинг «Даврон тоғаси» ёшгина йигит. У энди йигирмага кирган. Қотмалигидан ўртача бўйи ҳам баланд-кўринарди. Уни кўрганимда таниш ҳамқишлоғим Исон Авазовнинг ёшлигини эсладим. У ҳам ёшлигида ўғли каби қотма, бўйчан эди. От устида гўё от билан бирга ўсгандай ўтирарди. У Дўстбердининг меҳнаткаш, хушчақчақ, дилкаш йигитларидан эди. Қиш кунлари Дўстберди меҳмонхоналарига файз берадиган, дотор, танбурни булбулдек сайратадиган, жойи келганда Гўр

Ўғли, Авазхон дostonларидан бир шингил олиб, ҳаммани қойил қиладиган истараси иссиқ йигит эди. Ҳозир у кексалигига қарамай, ҳамон дадил, қотма гавдаси букилмаган.

Ўғли Даврон бундан икки йил бурун Дўстбердидаги ўрта мактабни битириб, олдин тракторчининг ёрдамчиси бўлиб ишлабди. Бу йил эса Қарши шаҳридаги тракторчилар курсини тугатибди.

— Тракторчиликни мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ, севиб қолганман,— дейди Даврон кулимсираб.

— Еш бўлса ҳам пухтагина,— дейди звено бошлиғи Узоқ Эшдавлатов.

Биз Дўстберди йигитларининг вакили билан қисқагина гаплашдик. Даврон вақтнинг қадрини биладиган кишилардан бўлса керак, ишга шошилаётгани сезилиб турарди.

Даврон яна ўз тракторида. Унинг машинаси яна яшил квадратлар орасида бир зайлда сузиб бормоқда. Гўё тиши чиқибоқ тракторга ўтиргандай. Унинг универсали ўтган қаторларда квадратлар гўё сочлари таралган сулув қизлардай яна ҳам гўзалроқ, яна ҳам тетикроқ кўринарди. Гўзаларга культивация билан бир вақтда фосфор ва эланган қўй қийи солинмоқда.

Кўшни далада атоқли универсалчи Норбой Эшдавлатов ишламоқда. У айни кучга тўлган навқирон йигит. Ун йилдан бери тракторчи. Норбой Эшдавлатов — Қашқадарё область Советининг депутати. У ҳалол меҳнати билан колхозчиларнинг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган.

Эшдавлатовлар звеноси 1957 йилда 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан пахта топшириб, Қамашини районида биринчилики олишди. Утган йили звено аъзолари 40 центнердан пахта бериб, бир йил ичида ҳосилни 11 центнердан оширди.

— Ғўзаларимиз иккинчи культивациядан чиқди. Ҳозир айна қондириб суғорадиган пайт. Суғоришга шўшилмасак бўлмайди. Бу йил Қашқада сув азиз,— дейди Узоқ Эшдавлатов.

— Анови далангиз хўп текис экан-да.

Менинг бу сўзларимга кулимсираб қўйди-да:

— Эҳ-ҳе, қанча деворлар йиқилмади, қанча чуқур, ариқлар кўмилмади бунинг учун,— деди.

— Анови далангиз қия эканми? Суғоришга қийналятган бўлсангиз керак-а?

— Ҳа, қия. Лекин суғоряпмиз. Истасангиз юринг, кўрсатаман.

Бордик. Сув нозик найчалардан сизиб оқмоқда. Усталик билан олиган эгатларда оқётган сув сизиб, гўё ернинг «қуридимига» тушгандай, тупроққа сингиб кетмоқда.

— Найчаларингиз ғалати-а?

— Минерал ўғит қоғозидан ясаганмиз, жуда қулай-да, сувнинг бир қатраси ҳам исроф бўлмайди.

— Бу йил қанча пахта бермоқчисизлар?

— Қамайтирмаймиз деб уриняпмиз,— камтарлик билан жавоб берди Узоқ Эшдавлатов.

— Эшдавлат каптарбознинг ўғиллари бўш келармиди,— деди кексароқ колхозчилардан бири кулимсираб,

— Тўғри,— деди Узоқ, отасининг каптар-

бозлигидан уялгандай ерга қараб,— отамиз каптарбоз бўлган. Ҳа, раҳмдил бўлган-да, каптарбоз бўлиш айбми,— гўё у энди отасининг каптарбозлигидан мағрурлангандай эди,— ота касбини ёшлигимизда биз ҳам қилганмиз. Ҳозир эса бошқа ташвишларимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётибди.

Қуёш қоқ тепага келган пайт. Аммо, Қашқа бўйлаб майин шабада эсиб турибди. Ҳамма дала шийпонида... Биров кўк чой, биров қатиқ ичарди. Бошқа биров эса сирланган тунука товоқда иштаҳа билан мастава ичмоқда. Ёшгина бир йигит ҳеч нарсага қарамай, китоб ўқиш билан банд.

— Товушингни чиқариб ўқисанг-чи, биз ҳам эшитайлик,— деди Қулмурад ака, бир коса қатиқни симириб олгач, мўйловини артар экан.

— Бизнинг тўғримизда ёзибди, кўчаётганлар ҳақида.

— Ким ёзибди, нима дебди?

— Шароф Рашидов «Бўрондан кучли» романида бизларга ҳам кўч, дебди.

— Нима деб алжираяпсан, ҳамма ҳам кўчавериши керак эканми?— ҳозиргина келиб қолган ўқитувчи Равшан Мирзаев гапга аралашди.— Ўқиганингни мағзини чақиб кўра. Асардаги кишилар обод, унумдор ерларини ташлаб кетаётганлари йўқ. Ундаги кишилар суви йўқ, кам ҳосил тошлоқ жойдан кўчиб, истиқболи порлоқ бўз ерларни обод қилишга отланишган. Биз бўлсак, қирқ центнерлаб пахта бераётган, олтмиш центнерлаб пахта берадиган бепоён бўз ерларимизни ташлаб қўймоқчимиз. Аслини олганда, ёзувчи ўз романини

Бизлар учун ҳам ёзган. У бизга, бўз ерларинг-ни оч, сув чиқар, ғайрат қил, бўш келма, деб ундаб турибди.

Равшан Мирзаевнинг сўзидан сўнг шийпондагилар узоқ жим қолишди, уларнинг ҳар бири ўзича ўйга чўмгандай эди...

Мирзаев звено бошлиғи Эшдавлатов билан нима ҳақдадир тезгина гаплашиб олди-да, мотоциклни ҳайдаб кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳамма ёқни сув босармикин?— деди Гуласал ёнидаги чалоб ичаётган Ойтўра холага қараб.

— Билмасам, болам,— деди Ойтўра хола қўлидаги товоқни ерга қўяркан, лабини ялаб.

— Ҳозирги пахтазорларимиз, боғларимиз — ҳаммаси сув тагида қолармикин?— деди Гуласал яна.

Гуласалнинг бу сўзлари район сув хўжалиги ходими Жалил Мардоновни қизиқтириб қолди шекилли, у ёнбошлаб ётган жойида қаддини ростлади-да:

— Чимқўрғон суви ҳозирги Дўстберди пахта ерларининг анча қисмини, боғларни босмайди, нами ҳам урмайди,— деди.

— Хайрият,— деди Гуласал,— демак, у ерларга бундан буён пахта экаверамиз.

— Албатта,— деди Жалил Мардонов.— Қоратепа ариғи ҳам қуримайди, аксинча, аввалгидан ҳам тўлиб оқади. Қоратепа ариғи илгари Мажор, Санчқили, Наймансарой, Бердали, Бойли қишлоқларига ҳам сув берарди. Эндиликда фақат ўз далаларимизнигина сугоради.

— У вақтда сувдан камчилигимиз бўлмайди, қадим вақтлардагидай Еттиқудуқ қишло-

ғи ерларигача сув чиқарса бўлади. Дўстберди, Қоратепа ерлари роса гуллар экан-да,— ёш йигит сариқ мўйловини силаб қўйди.

— Тўғри, гуллайди,— ҳозиргача жим ўтирган дала бригадири Нормурод Шогичев гапга аралашди. У эски коммунист, Дўстбердида колхоз қурилишининг ветеранларидан бири.— Партия, ҳукуматимиз биздан ёрдамини аярмиди, керак бўлса, полвон ҳам беради. (Дўстбердиликлар экскаваторни полвон деб юритишади). Дўстбўрди ва Қоратепа ерлари, пахта дейсизларми, боғдорчилик дейсизларми — ҳаммасининг кони бўлади. «Сув бер-да, олтмиш центнерингни олавер» деб қақраб ётган ерларимиз қанча! Фақат Тойпонсойнинг ўзгинасида уч минг гектар ер сув деб турибди. У ерларга сув чиқариш мумкинми?!— Нормурод ака атрофига бир қараб олди.— Мумкин, ўртоқлар, жуда мумкин. Ҳозирги Қоратепа ариғини Тойлоқ ариқдан сал юқориоқдан Тойпонсой устидан Қоратепага қараб янги канал олсак-чи, Жонбўзқуччигача суғорса бўлади. Ахир, яқин йилларгача Жонбўзқуччи қишлоғи ҳам бизнинг Қоратепа ариғидан сув ичмасмиди?! Шу оралиқдаги бўз ерларни бундоқ чўтлаб кўринглар-а, қанча минг бўз ер бизни, кел деб, чақириб турибди.

— Дўстбердининг ўзида яна қанча бўш ерларимиз бор. Анави эски қишлоқ жойларини текислаб ишга солсак-чи?!

— Ариқ сиртидаги қаймоқлаб ётган ерларимиз-чи?

— Баракалла, Дўстберди ерлари битмас-туганмас дунё-ку?

— Оқработни ҳам обод қилиш керак.

— Албатта обод қилиш керак,— дея жойдан сакраб турди қора мўйловли Рауф Саматов.— Оқработ ерларини кўрган кўз Дўстберди ва Қоратепа ерларини кўрмаса, бу адолатданми? Дўстберди, Қоратепа ерларининг гуноҳи нима?!

Нормурод ака унга «оғирроқ бўл, ўғлим» деяётгандай, кулимсираб қўйди. Шу вақт колхоз ҳисобчиларидан бири Эшман Раҳмонов бошини кўтарди:

— Оқработда бор-йўғи уч минг гектар сув ичадиган ер бор. Улар ўзи қарийб беш юз хўжалик. Усиб бораётган техника қудратини ҳисобга олганимизда, бу Оқработ ерлари оқработликларнинг ўзларидан ортмайди. Бунинг устига, бизлар беш юз элик хўжаликмиз. Бу қандай бўлар экан, тагин «тор жойда томоша» дегандай бўлмасмикин?

— Қандай бўларди, тандирдан чиққан нондай бўлади-да,— Нормурод ака кулимсиради.

— Ўлсанг, гўринг кенг бўлсин, деган гап бор эмасми, оғайнилар,— бир чеккада ёнбошлаб ётган Нурмат Жонкуватов гап ташлади.

— Ҳозирги замон техникаси ҳам кенг жойни хоҳлайди,— деди Норбой Эшдавлатов.

— Шунинг учун ҳам,— деди соқолини силаб Нормурод ака,— Биз Дўстберди ва Қоратепанинг бағри кенг ерларини обод қилишга киришишимиз керак. Оқработнинг уч минг гектарини оқработликларнинг ўзлари, Дўстберди ва Қоратепа ерларидан энг камида 5-8 мингини биз обод этсак, бу кимга фойда-ю, кимга зиён?! Оғайнилар, Дўстберди ва Қоратепа ерларини боғу бўстон қилиш учун белни маҳкам боғлайвериш керак. Қашқамиз бизга

кулиб боқаверади. Дўстберди ва Қоратепа ерларини ҳозирги ҳолида қўймай, обод этамиз.

— Тўғри айтдингиз, Нормурод ака, ҳозирги ҳолида қўймаймиз!— Рауфнинг ёнидаги ёш йигитча хитоб қилиб юборди.

Ҳа, Қашқа бу ерларга ҳаёт суви беради, қақраб ётган минг-минг гектарлаб ерлар экинзорларга, обод қишлоқларга айланади. Суҳбатдошларнинг хурсандчилиги, ташвиши, тараддуди шунинг гувоҳидир. Канал суви ўтиши билан дашт чекинаверади, Дўстберди, Қоратепа қишлоқлари кенгайиб обод бўлаверади. Ер очишга, суғоришга азм-қарор қилиш керак.

Шу кеча-кундузда Карл Маркс номли колхоз аъзолари ўртасида шундай ҳаётий муҳокама-лар бўлиб туради. Бу ўсиш, кураш, истиқбол муҳокамаларидир. Улар Қоратепа, Анҳор ариғини обод қилиш, Дўстберди, Қоратепа қишлоқларини яна ҳам гуллаштиш, янги-янги бўз ерларни очиш, хўжаликни ҳар томонлама юксалтириш фикри билан яшамоқдалар.

Уларнинг ота-боболари Қоратепа ариғи ҳақида ўз афсоналарини ҳам яратганлар: қадим замонларда эски Қоратепа ариғида сув жуда кўп бўлган экан. Аммо бир йили қурғоқчилик бўлиб дарёда ҳам сув жуда камайиб кетганмиш. Қоратепа ариғига ҳам сув чиқмай, деҳқонларнинг экинлари сувсизликдан қақшаб кетаверибди. Халқни ғам устига ғам босибди. Шунда қаердандир кўк тўн кийган бир чол пайдо бўлибди-да, Қоратепа ариғини бошидан то оёғигача пиёда кезиб чиқибди, сўнг халққа қараб:— «Ранжиманглар, сув бўлади» дебдию, ўзи ариқ бошидаги чуқур ғорга кириб ке-

тибди. Ушандан бери Қоратепа ариғи ҳеч қачон сувсиз қолмай, ҳаёт булоғи бўлиб қолган эмиш. Ғорни, у ердаги қабрни халқ ҳамон «Кўк тўнли бобо» деб атайди.

Ҳа, Қоратепа ариғи уларнинг ҳаёт булоғи эди. Шу билан бирга у бизнинг давримизгача кўп асрлар давомида меҳнаткаш халқ учун азоб булоғи ҳам бўлиб келган эди...

Дўстбердилик ва қоратепаликларнинг отабоболари яратган афсоналардан ҳам ўтиб кетадиган порлоқ ҳаёти, яна ҳам гўзалроқ, яна ҳам мароқлироқ келажаги фақат бизнинг давримиздагина реал воқеликка айланмоқда.

Бу ерда етти йилликнинг тўнғич баҳори шуқлай бошланди...

*Қашқадарё область, Қамаши район,
Карл Маркс номли колхоз, Дўстберди
кишлоғи. 1956 йил, июнь.*

ОДАМДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛСИН

Машина колхоз идораси олдида тўхташи билан унинг қаршисидан ёшгина йигит чиқди-да, шоферга: «Тез жўна, кутиб туришибди» деди. Қабинадан бўйнини чўзиб турган шофёр «хўп» деди-ю, моторини ҳам ўчирмай жўнади.

Мен йигит билан саломлашдим, кейин унга машина теримини кўрмоқчи эканлигимни айтдим.

— Э, аттанг, шу машина худди ўша ёққа кетди-я,— деди у афсусланиб, бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра:— Майли, иложи топилар, бир оз дам олволинг,— деди ва мени идора орқасидаги шийпонга бошлаб келди.

Гўзал манзара, қайнар булоқлар. Улар кўзидан отилиб чиқаётган зилол сув ариқ-ариқ оқяпти. Қатта-кичик шўх балиқлар сув юзига бири қўйиб, бири сапчийди. Шу қайнар булоқларда ўйнаётган балиқларга ўйчан боқиб қолдим. Бояги йигит:

— Баҳона билан Булунғур булоқларини ҳам кўриб кетадиган бўлдингиз,— деди жилмайиб.

— Ҳа. Илгари бу ерларда бино ҳам, бунақанги соя-салқин жойлар ҳам йўқ эди,— дедим ҳамон ўйланиб.

— Илгари ҳам келганмидингиз? Ундай бўлса, Эргаш бобони танирсиз?

— Эргаш бобонгиз ким?

— Танаймайсизми, у кишини ҳамма биледи-ку?!

— Нима иш қиладилар, механик-ҳайдовчими?

— Йўқ,— деди ҳамсуҳбатим чўзиб, қандайдир ачиниш билан.— У киши кексайиб қолган. Бу ерларда ботқоқликни биринчи бўлиб қуриштишга киришган одам.

— Шу ерда турадимми?

— Ана уйи, ўзини боягина шу ерда кўрган эдим.

Йигит Эргаш бобонинг уйига кетди.

Бир ўзим қолгач, хаёл олди. Урушдан кейинги йиллар. Йўл бўйлаб қалқиб ётган захоб, ботқоқлик ва қамишзорлар... Энди эса қатор дарахтлар, боғлар, узумзорлар, шинам бинолар. Киши қўли гул-да...

Орадан кўп ўтмай, баланд бўйли киши келди. Кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Эргаш бобо олтмиш беш ёшда. Кексанинг кўзлари хирароқми, мендан яшираётгандай тез-тез юмар, баланд қовоқлари учиб турарди. Йигит нон, узум ва чой келтирди-да, ўзи идорага қайтиб кетди.

— Бу ерлар илгари жуда кўнгилсиз эди, ҳозир кўриб қувондим,— дедим, мўйсафидга чой узата туриб. Эргаш бобо шошилмай чой хўплар экан: «Ҳа, шундай» дегандай бош ирғади. У кўзларини юмиб, узоқ хаёл суриб

турди, лекин ҳеч нима демай, яна чой ҳўп-лади.

— Шу ерларнинг ҳаммаси ачима кўл эди-я?— дедим Эргаш бободан жавоб эшитишни истаб.

— Шундай эди,— деди чол қошини кериб. — Ҳа, бу ерлар ҳаммаси ботқоқлик, қамишзор эди. Чивин ғувилларди. Сиз, эҳтимол, фақат йўл ёқасини кўрган дирсиз...

Эргаш бобо пешонасини силаганича анча жим қолди. Кейин ғарбга қараб қўл чўзди-да, сўзида давом этди:— Ичкарироқда, Митан ва Элатан, юқорида Бешбола деган қишлоқлар бор. Ўзим Бешболаданман. Уруш йиллари, урушдан кейинги йилларда бу қишлоқларни бутунлай зах босиб кетди. Йигитлар фронтга, кексалар заводларда ишлашга кетди. Бор зовурлар ҳам кўмилиб ишдан чиқди. Кейинги йилларда захни қочириш йўли изланди, чуқур-чуқур зовурлар қазилди. Захоб қочди, дарахтзор, мевазор, узумзор боғлар қилдик,— деди камтар мўйсафид, «бу ишга мен бош бўлдим» дейишга тили бормай.

Биз Эргаш бобонинг қўли билан бунёд этилган боғларни айланиб чиқдик. Олди мевага кирибди. Қад кўтариб турган хилма-хил олма, шафтоли, олча ва гилос, қорали, рангбаранг узумни кўриб ҳавас қиласиз! Кексанинг бойлик ва ғўзаллик яратишдаги ҳимматига қойил қолиб, кўп яшанг, ота, дедим.

Эргаш бобо нимадир демоқчидай ўйланиб турди-ю, лекин ҳеч нима демай, кўзларини тез-тез юмиб қўйди.

— Бу уйлардан қайси бири сизники?

— Ана у эшик,— деди Эргаш бобо, қўли

билан кичкина бир эшикни кўрсатиб,— юринг, ўғлим, юринг, бизнинг кулбамизга ҳам бир кириб чиқинг.

Йўқ деёлмадик.

Эшик олдида бизни оқ докадан бошига баланд қилиб қасава ўраган қотма, бўйдор аёл кутиб олди. Бу кекса аёл Эргаш бобонинг кампири Муқим хола экан.

Балиқ сирт қилиб ёпилган уйга кирдик. Ошхона, сўнг бир-бири орқали ўтадиган икки хона: шипигача оқланган. Хоналарда кичик-кичик деразалар. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Эргаш бобонинг ёнига дўндиққина бола келиб ўтирди. Сочи яқиндагина устарада олинган. Мен уни ўғил бола деб ўйласам, қулоғида исирғаси бор экан. Қизчанинг жигар ранг кўзлари муғомбирона кулиб турибди.

— Кенжатоимиз Гулистон,— деди кулимираб Эргаш бобо қизининг бошини силаб.

— Эллик ёшимда дунё кўрган. Кенжамиз,— деди гапга араллашиб Муқим хола.

Гулистон олти ёшга қадам қўйибди. Чолкамбир бу ерга кўчиб келишганда чақалоққа ҳали ном ҳам қўйилмаган экан. Кенжатоёга Гулистон деб от қўйишибди.

Муқим хола ташқарига чиқди, Гулистон ҳам унга эргашди. Орадан кўп ўтмай, Муқим хола келиб дастурхон ёзди, мева-чева қўйди. Чолининг олдига чой қўйиб. ўзи секингина изига қайтди.

— Шундай қилиб, кўчиб келдик денг-а,— дедим гапни улаб.

— Шундай, ўғлим. Эски уйларимизни буздик-да, бу ерга кўчиб келдик...

Эргаш бобо менга чой узатиб ўзи анча ўй-

ланиб турди. Пешонасини кафти билан силаб олгач, сўзида давом этди:

— Ушанда ўн йиллаб истиқомат қилган яхшигина уйимизни бузишга киришдик. Бузмасак ҳам бўларди-ю, ёғочи керак эди, ёғочи. Бузишга киришганимиздан кейинги гапни эшитинг,— Эргаш бобо «гап ҳали бу ёқда» дегандай, кўзларини маъноли қисиб қўйди.— Бузишга қадар-ку мен ҳам, холангиз ҳам, мард эдик. Кейин иш чатоқлашди. Буза бошлаганимизда ўзимнинг ҳам кетмон ураётган қўлларим қалтираб кетди, кекса юрагим тушкурни айтинг, у ҳам «жиз» этиб орқамга тортиб кетса бўладими. Ушанда, ўғлим, назаримда, бирон азиз нарсани тепкилаётгандай бўлдим. Шу уйда ўтган ёшлигимиз эсимга тушиб кетди.... Устига устак, кампири тушмагур ҳам лафзидан айниб қолди. Мен том устида, у пастда: «Бузманг дедим, бузманг, шунча умримиз шу уйда ўтди, шартимиз кетиб партимиз қолганда туғилиб ўсган қишлоғимиздан чиқиб қаерга борамиз» дейди. Мен унга муомала билан: «Вайсама, хотин, энди эл олдида уят, аввалги гап нима эди» десам, у яна баландроқ келди: «Йўқ, бўлмайди, кетсангиз ўзингиз кетаверинг, биз шу ерда қоламиз, мажбуран кўчиришга ҳақингиз йўқ, қонунни бузолмайсиз» дейди. Кампири тушмагурнинг дарров закончи бўлиб қолганини қаранг. Мен у билан айтишиб турмадим. Сабр қилай, жаҳлидан тушиб қолар, кечаси билан бир бало қилиб кўндириб чиқарман, деб ўйладим. Кечқурун: «Қампир, қўрқма, Булоқ бўйини Бешболадан ҳам обод қиламиз, одам боласи зах ва қамишдан ҳам қўрқа-

дими» десам у: «Бешболадан бир қадам ҳам жилмаймиз, бир ўзимиз қамишлар ичида нима қиламиз, итимиз адашибдими» дейди.

Билмадим, ўшанда ҳамқишлоқларимизнинг «Эргаш бобо ақлидан озибди, қариганда эсини еб қўйибди» деганларига учдим, ҳарнечук кампири тушмагур шундай айниб қолди. Қарасам, бўлмайдиган, бўш келмадим. Ўзимни тутиб олдим. Киши ҳам сўзидан қайтадим, деб ўзимга-ўзим далда бердим, кўзимни юмиб кетмонга зўр бердим. Бир-икки оғайнилари ҳам ишга солдим. Эски уйни кўплашиб бузиб ташладик. Шундай қилиб, Булоқбўйига кўчиб келдик...

— Қелишга келдикку-я,— деди Эргаш бобо тез-тез юмиб турадиган кўзларини сузиб,— лекин бу ерга келгандан кейин Гулнорамизнинг ғалваси кампирникидан ҳам ошиб тушди. Гулистонимиз у вақтда бир парча эт эди. Гулнорамиз бўлса, уч яшар эди. Қизалоғи тушкур кечалари туриб олиб, қишлоғим қани, қишлоғим, қишлоққинамга кетаман, деб йиғлади. Норбуви қани, Ойхон қани, дугоналарим қани? Ханифа опамни соғиндим, деб ер тепинди. Ўзимиз очилиб-сочилиб қамишлар ичида чайла қилиб қандай азоб билан ўтирибмиз-у. унинг ғалвасини қаранг-а. Бола амри шоҳ амридан зўр, ўғлим, уни алдаб-сулдаб янги жойга ўргатгунимизча роса хуноб бўлди. Кампири тушкур ҳам,— деди Эргаш бобо, овозини аввалгидан сал пастлатиб,— ўша кунлари хўп оғмачилик қилди-да. Гоҳ йиғлаётган Гулнорига қараб: «Бўлди, бас қил, чиябўрига бериб юбораман» деди, гоҳ қизларини бағрига босиб товушининг борича: «Гўдакларга раҳми кел-

маган оталаринг қуриб кетсин, қариганда ақлини еди» деб мени койийди. Мен денг, эшитсам ҳам эшитмасликка оламан, кечалари бўлса бошимни кўрпага ўрайман, ўзи вайсаб, ўзи тинчир-да, дейман. Буни қарангки, аксига ўша кунлари Гулнорамизни чивин чақиб, иситма бўлиб қолди. Қампиримнинг жағи роса авжига миндики, фақат мен чидадим бунга, ўғлим. «Аҳд қилдингми, аҳдингда тур,— дейман ўзимга-ўзим.— Уддасидан чиқолмадим деб, қишлоққа шумшайиб кириб борасанми! Шармандани кўр-а, демайдами эл!»

Йўқ, биз лафздан қайтмадик, қамишзорни очиб, макон қилдик, кечалари чивин билан олишдик. Секин-секин холангизни ҳам ишга солдик, бола-чақаларимиз билан бу ерни обод қилишга киришдик. Қамишлар ўрнига бояги кўрган боғларингизни, қомати расо теракларни экиб, всяга етказдик. Энди, бу ерда яшаса бўлади, ўғлим,— Эргаш бобонинг юзига билди-нар-билимас табассум югурди.— Қовун қовундан ранг олар, деган гап бор. Бизни кўриб, бошқа ҳамқишлоқларимиз ҳам кўчиб кела бошлашди. Мана энди колхоз идораси, касалхона, кутубхона, клубимиз ҳам шу ерда, ўғлим.

— Ота, боғда эчки юрибди,— деди Гулистоғ жаранглаган овози билан.

— А!— деди, жойидан қўзғалиб Эргаш бобо ва «Ҳозир, ҳозир» деганича ўрнидан даст туриб, чиқиб кетди.

— Эчки деб бақирмай кет, ўзинг ҳайдай қолсанг бўлмасмиди, э, тентак,— эшикдан Муқим холанинг танбеҳлари эшитилди.

— Янги чой дамлаб келайми, эрмак бўла-

ди,— деди уйга кириб у. Мен узр айтдим, кейин:

— Бувам эчкини ёмон кўрадиларми?— деб сўрадим.

— Ҳа, шунақа,— деди Муқим хола.— Дарахт яқинида биронта мол кўринса бас, жонлари чиқиб кетади. Лекин кўнгиллари гўдакларникидай. Дарахтларнинг тикка, чиройли ўсишини яхши кўрадилар. Эртадан кечгача хушрўй дарахтларнинг у ёғидан бу ёғига ўтиб қараганлари-қараган. Энди қариб қолдилар,— афсус билан деди Муқим хола.— Ҳали қаримасдилар-ку, эгар еб қўйди, эгар. Кўп йил раис бўлдилар. Ҳозиргиларнинг йўриғи бўлак, тегларида хафтамабил. Ҳа, қаримасдилар, ғам қаритди, кўзлари хиралиги ҳам шундан. Бир укалари фронтда дараксиз йўқолди, бири ҳалок бўлди, яна бири фронтдан ярадор бўлиб келиб, уйда ўлди. Ўзим ўн беш боланинг онаси бўлдим. Шундан тўрт қизим қолди. Иккитаси уйли-жойли, иккови ҳам ўз бағримизда. Боғни меваси безайди, молни — бада-нидаги эти, кишини эса ақл ва фарзанд.

— Шундай,— деди у бир оздан сўнг, дастурхоннинг бир четини ушлаб,— кўчиб келган кунларимиз анчайин чайлада турдик. Бир ўзимиз. Атрофимиз қамиш, чивин ғувиллайди. чиябўри ҳуради, қишда қашқир безовта қилади. Ҳамма ёқ ваҳима эди.— Муқим хола оқ рўмолини қўли билан иягига тортиб қўйди. Унинг ажинли юзларидан кулги югуриб ўтгандай бўлди.— Отангиз кечалари ов милтиғини ўқлаб ёнларига қўйиб ётадилар. Кўзлари қурғур хира-да... Ҳеч нимани отолмайдилар-у, эрталаб бурунларини тишлаб олгандай менга

зарда қиладилар. Тағин айтиб қўйманг, меҳмонга ҳам алжибсан, деб қовоқ аридай гўнғиллаб берадилар.

Ичимда, чолнинг-ку сирини айтди, ўзининг ҳам кўчиш кезларида Эргаш бобо билан қилган ҳангомасини айтармикан деб турсам, йўқ, Муқим хола у ҳақда оғиз ҳам очмади. Эҳтимол эски хотираларни эслагуси келмагандир.

Куз қуёши кўкдан жозибали кулиб қарамоқда. Бундай вақтларда уйда ўтиргинг келмайди. Муқим холадан узр сўраб, ҳовлига чиқдик. Кўп ўтмай, ҳаллослаганча Эргаш бобо келиб қолди.

— Қайчи теккан дарахт ўсишдан қолмайди. Лекин эчки қайчилаб тарашлаган дарахт ўсмайди, ўлади.— Эргаш бобонинг қовоқлари осилган эди. У чуқур нафас олди-да, сўзида давом этди:

— Ҳар доим шу санқиб юрган моллар ваджидан ҳамсоялар билан орамизда дилсиёҳлик бўлади. Мол деганни боғлаб қўйса-да. Йўқ, колхозчига молни боғлаб боқиш ҳам қийин, бир киши овора бўлади. Яхшиси, уларга кенг ўтлоқ ажратиб, подачи қўйиш-да. Мол ичида эчкини жинимдан ҳам ёмон кўраман, дарахтнинг душмани у.

Эргаш бобо билан шийпонга келдик. Булоқбўйида сув бетига сапчиётган балиқларга қараб анчагача жим ўтирдик. Ичимда «эчкиси қурғур Эргаш бобони тоза ранжитиб қўйибди-ку, энди гапиришга ҳам хуши йўқ» деб турган эдим, у: «Шундай, дарахтнинг қадрин билган билади» деди.

— Тўғри, ҳамма бир хил эмас, отахон.

Эргаш бобо сийрак малла соқолини силаб,

яна нимадир де моқчи бўлган эди, киприкларини чанг босган, тўладан келган, паканароқ бир киши келиб қолди. Чол унга: «Келинг, раис» деди. Шундай қилиб, колхоз раиси Жума Сулаймонов билан ҳам танишдик. Эргаш бобонинг гапи чала қолганлигини сизди шекилли, раис: «Гапираверинг, гапираверинг» деди унга қараб. Ўзи эса ёнимиздаги булоққа тушиб, зилол сувда юзини ювди, рўмолчаси билан тезгина артиниб, яна жойига келиб ўтирди.

— Ўз қўлим билан етти минг туп тол ва терак, қанчадан-қанча мева дарахлари, тоқлар ўтқаздим шу ерга. Кўз юмганимда ҳам шулар қолади. Одамлар, буларни Эргаш бобо эккан, деб эслайди-ку. Менга шу етади, ўғлим.

— Ҳали кўп яшайсиз, кўп боғлар кўкартирасиз, ота,— деди раис.

— Ёрдам берсаларинг, ҳов анови қўриқ ерларни ҳам боғ қилиб берардим,— Эргаш бобо булоқ шарқидаги тинч ерларни кўрсатди. Кейин совиб қолган чойини икки хўплаб ичди-да, пиёлани раисга узатди.— Бизлар ҳам бир вақтлар раисмиз деб ўтдик,— афсуслангандай, сўзида давом этди Эргаш бобо.— Лекин раислик вақтимизда эсда қоладиган, кўзга кўринадиган бирон иш қилолмадик. 40—50 гектар пахта экадиган қишлоқ ҳам бир колхоз эди-да. Бундай хўжаликда кўзга кўринадиган бирон иш қилишнинг ўзи ҳам қийин эди. Энди бошқача. Колхозлар кучга тўлди. Э-ҳе, ҳозир ҳар бир колхознинг ўзида қанча куч бор! Шунинг учун ҳам энди сенларнинг қўлларинг узун, қаёққа узатсаларинг етади. Ишларинг ҳам шунга яраша катта, тошига яраша таро-

зи дегандай, мартабаларинг ҳам зиёд, ўғлим.

Раис кулимсиради, аммо чолнинг сўзини бўлмади.

— Ҳамма гап шу мартабага арзийдиган иш қилиш-да. Тўғри, ишни халқ қилади. Лекин эл оғаси ишни бошлаб беради, катта-кичикни бошқаради, мўл-кўлчиликка, ободончиликка йўллайди, сағирларнинг бошини силайди, қари-қуриларнинг, ёлғизларнинг ғамини ейди. Э, ўғлим, катта бир хўжаликнинг отахони бўлиш осонми?!— чол аввал раисга, кейин менга қараб қўйди, ёш келаётган кўзларини рўмолчаси билан артди.

— Ҳам қийин, ҳам шарафли,— деди, секин Сулаймонов.

— Қийин, жуда қийин,— давом этди, бошини ирғаб Эргаш бобо.— Ҳақиқий колхоз отахони бўлишга бел боғлаган киши ишнинг қийинини танласин, кишиларнинг қалбига кирсин, қалбига, юрагидан жой олсин, бунга эришиш осон эмас. Бунинг учун катта ақлдан ташқари кўп тер тўкиш керак, пок ва софдил бўлиш керак. Қимки халққа шундай ҳалол хизмат қилмаса, кишилар ундайларни севмайди, тез унутади, эслаганида ҳам боплаб тилга олади.

— Орқасидан кўзлаб тош отади денг,— раис мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳа, отади, аяб ўтирмайди,— унинг гапини тасдиқлади чол.— Рўпара келганида ундайлардан юзини ҳам ўгиради. Ҳалигидай виждони пок, ҳалол кишиларнинг йўриғи бўлак, лавозимларидан тушсалар ҳам халқ уларни бошига кўтаради. Э, ўғлим, одам ўлади,

яхшининг номи ўлмайди, қолади. Кишиларнинг дилида қолади, сўзида қолади, ишида қолади. Ундай кишиларнинг номи йўқолмай, авлоддан авлодга, оғиздан оғизга кўчиб юраверади. Кишидан қолган ёдгорлик ҳайкал шу бўлади. Ёки гапим чаккими, ўғлим?— деди у, раисга қараб.

— Ҳақ гап, ота, жуда тўғри,— деди раис.

— Ҳа, шундоқ, чолнинг гапи оғир тегмаса, шундоқ, ўғлим,— деди-да, кўзларини тез-тез юмиб, ўрнидан турди. Кейин биз билан хайрлашди-да, уйига жўнади.

— Вой, чоли тушмагур-эй, эшитдингизми,— деди раис Эргаш бобо кетгач.

— Доно чол,— дедим.

— Гапирмай юриб-юриб, бир куни кўрганбилганларини тўкиб солади. Одати шу,— деб қўйди Сулаймонов.

Раис билан колхоз боғларини айландик. Миришкор боғбонлар қўли билан икки-уч йил ичида бунёд этилган янги боғ ва узумзорларни кўрдик. Улар эндигина мевага кира бошлаган эдилар.

Йўл-йўлакай Эргаш бобо Дўстмуродов ҳақида гаплашиб кетдик. Эргаш бобо колхоз қурилишининг ветеранларидан бири бўлиб, 1930—50 йилларда колхоз раиси бўлиб ишлаган экан. Кейин уни Қорамўйин қишлоқ Советига раис қилиб сайлашибди. Кексайиб қолгач, энди мени бўшатиб қўйинглар, дебди. Лекин бўшаб ҳам тинчимабди, оиласини олиб Булоқбўйига кўчиб келибди. Бу ерда ҳамма-ни ҳимматга келтирган ишга киришибди.

Булунғур райони. 1959 йил, ноябрь.

ТУРСУНОЙЧИ ХОНИМОЙ

Ноябрь охири. Табиат бугун яхши об-ҳаво ваъда қилиб, эртасига сўзидан қайтиб юрган вақт. Кечагина чарақлаб турган аёз тун эди. Унга боқиб: «Эртага яхши кун бўлар экан. Иш ҳам...» дея, ухлаб ўрнимиздан турганимизда у, тонг саҳардан айниб, киприкларидан ёш тўкиб, илвираб, шилвираб турибди. Бироқ, кўрак чувиш машиналарининг бир зайлда вариллаши, пахта юкланган машиналарнинг манзилига шошилиши, бир чеккадан ер бағрини тилиб келаётган тракторларнинг ҳайқириғи — пахтакор ҳаётининг ҳамон жўшқинлигидан дарак бериб турарди. Пахтакорнинг эски йили шундай тугаётир, янгиси эса, аллақачон бошланиб кетган...

Машинадан тушдик. Кўрак тераётганлар билан саломлашиб, сўрашгач, эгат оралаб дала шийпонига қараб юрдик.

— Бир нарсани эшитиш бошқа-ю, ўз кўзинг билан кўриш бошқа,— дейди колхоз раиси Лапас Мамадиев.— Яқингинагача колхозимизда «Ҳамма ишни машиналаштирса бўлади-ю, лекин пахта теришни машиналашти-

риб бўлмайди» деб юрганлар бор эди. Бизнинг Хонимой ана шундай хомхаёлларни чип-пакка чиқарди. Ахир, бир вақтлар кетмонсиз пахта бўлмайди, деб ўйлардик-ку. Ҳозир бўлса, бунинг нотўғрилигини кўриб туриб-миз.

— Ҳар даврнинг ўз байроқдори бўлади,— давом этди раис ва ерга тушиб ётган бир чаноқ пахтани энкайиб олиб, оқ ёқали пўстинининг киссасига солиб қўйди. «Бир грамма ҳам...» — Турсуной ва Мелиқўзиларни давримизнинг байроқдори, оташин революционери десак бўлади. Ахир, эски нормаларни шулар бузаётир-да. Қийин, ташвишли, узлуксиз пахтакор меҳнатини кишиларнинг табиий хоҳишига айлантиришга уринаётганлар ҳам шулар.

Биз Қашқа ёнидаги дала шийпонига келдик. У ерда кўрак чувиш машинаси атрофида тўрт-беш эркак уймаланиб юрибди. Улар орасида ўрта бўйли аёл ҳам ўйчан турарди. «Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз»... Нега энди бу нақлни ота-боболаримиз фақат эркакларга қарата айтган эканлар... Ҳа, тўғри, илгари аёл бечоралар нима ҳам қила оларди? Аёл киши... уй чўриси эди-да. Қиз боланинг «чўричоқ» деб аталиши ҳам шунданмикин? Энди-чи! Энди бир жувонга қирқ ҳунар ҳам оз, десак бўлмасмикин? Жувон юзида ҳамон жиддий ўй. Унинг қорачагина юзини Қашқа шарпаси силаб ўтаётир.

— Мана, бизнинг турсунойчи Хонимой,— раис бизни жувон билан таништирди.—200 кишининг ишини ўйнаб-ўйнаб қиладиган қизимиз шу.

— Қамашининг донғини чиқараётганлар ҳам шулар,— ғурур билан дейди райком секретари ҳам.

Биз «турсунойчи» сўзининг ўзи билан қувонган ҳолда уятчангина жувон билан самимий кўришдик.

* * *

Бундан тўрт йил бурун район партия комитети илғор звено бошлиғи коммунист Хонимой Суяровани Самарқанддаги колхоз раҳбар ходимлари тайёрлаш мактабига боришни таклиф этди. Хонимой рози бўлди. «Самарқанд... бо, дунёнинг бир чети,— деди, буни эшитган она.— Ўқишни қўй, звенолигининг ўзи яхши».

Йўқ, қараса, қизининг иштиёқи зўр, кўнмайдиган. Ниҳоят, она «қаерда юрсанг ҳам омон бўл, фақат йўлингга мени кўп қаратма» деди-ю, қизига оқ йўл тилади.

Хонимой уч йил ўқиб қайтиб келгач, жонажон колхозида агроном бўлиб ишлай бошлади. Айни шу вақтлар турсунойчилар ҳаракати кенг авж олди. Жўшқин табиатли Хонимой қайсидир газетадан қирқиб олинган, Турсунойнинг машина рулида тушган расмига тикиларкан: «Шу аёл-а, республикага, бутун мамлакатга... ўзи шундай нозиккина-ю, иши...» деди ичида.

Она қизининг ишидан мамнун. Бироқ қизининг чехрасидаги ўйчанликни тушунолмайд хайрон. «Уч йилдан бери звено бўлиб бинойидек ишлаб юрувди. Энди агроном бўлиб, ўзига ўзи ҳам сотиб олди бу тирранча...»

Бибихон хола ўз ташвишларини узоқ сир сақлай олмади. Бир кун нонуштадан кейин:

— Ҳай, қизим, бунча ўйлайдиган бўлиб қолдинг?— деди, қизининг товус сочини силаб.— Айт-чи ичингдагини, нима дардинг бор?

— Э, ойижон, ўзим шундай...— Хонимой она чехрасидаги ташвишни кўриб, болалик чоғларидагидай эркаланди, аммо қалбидаги дардни ҳозир ёргиси келмади. Эҳтимол унинг ўзи ҳам ҳали аниқ бир фикрга келолмагандир. Шунинг учун ҳозирча онасини бекорга ташвишлантирмагани маъқул. Шуларни ўйлар экан, бирдан «кечикиб қолибман-ку, вой ўлай» деганича отга миниб, далага елди. Она от устида очилиб-сочилиб кетаётган қизига суқланиб боқаркан: «Агроном-да, колхоз ташвишларини ўйлайди болагинам» дея тинчланди.

Йўқ, Бибихон холанинг тинчлиги узоққа бормади. Февралнинг туманли оқшомларидан бирида қизи:

— Мен яна ўқишга кетмоқчиман, ойи,— деди, секин кулимсираб.

— Яна ўқишми, бу нимаси?— онанинг қути учди.— Шунча ўқидинг-у, яна нима ками қолди?!

— Қўрқманг, ойижон, энди фақат олти ойгина...— юпатмоқчи бўлди у.— Кейин машинада пахта тераман.

— А-а, машинада пахта терасан, аёл ҳолинг билан-а?!— Бибихон хола қизариб-бўзариб қизига тикилди. «Оқ қилиб юборай десаңг... отасидан сағир қолган нараса».

— Шундай, ойижон,— секин, аммо қатъий деди Хонимой...

«Ўзингдан чиққан балога...», она қизининг юзидаги жиддийликни кўриб, ўйланиб турди, кейин:

— Сенинг ота-бобонг темир орқасидан нон еганмиди,— деди, чеҳрасида чексиз ҳасрат билан қизига яқин келди.— Қўй, жинни бўлма, ҳолингни бил, темир эркаклар иши.

— Бошқалардан менинг нима кам, ойи?— қиз онасига ўксиниб қаради. Унинг бу боқиши: «наҳотки сиз ҳам ўз болангизга ишонмасангиз» деяётгандай эди.— Мен ҳам турсунойчи бўлмоқчиман.

— Турсунойнинг ким, билмасам,— ўйланиб деди Бибихон хола.— Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, болам. «Эсинг борида этагингни ёп» деганлар, сен ҳам ҳолингга яраша иш қил, болам. Агрономлигинг аёлбоп озодагина иш, тинчгина ишлайвер. Аёлларга ярашмайдиган ишни қўй.

— Мана, қаранг-да, ойи, бу Турсунойга қандай ярашган-а,— кулимсираб деди Хонимой ва Турсунойнинг расмини ён киссасидан олиб онасига кўрсатди.— Қаранг, жуда ҳам ярашган-да. Ақл ва ғайрат бўлса бас, ойижон.

— Қўй, болам, мени кўп вайсатма,— Бибихон хола қизидан шафқат сўраётгандай ёлворди.— Газет-китобларни бинойидай ўқийсан-ку, яна нима керак сенга?

— Ҳали ўқийдиган нарса кўп,— онасининг гапларидан беихтиёр кулиб юборди Хонимой.

— Йўқ, шуниси ҳам етади, бошқа ўқимайсан,— яна жаҳли қўзғаб чўрт кесди она.

Онанинг фикрларини Хонимойнинг бошқа яқинлари ҳам қувватлади. Бироқ, Хонимой оилавий қаршилиқлар олдида бош эгмади. Қаршидаги механиклар курсига кетди ва олти ойда пахта териш машинасининг механиги бўлиб қайтди.

27 сентябрь... Бу кун Хонимой ҳаётида ҳам, колхоз ҳаётида ҳам унутилмас кун бўлди. Устида комбизнесон, оёғида керзовой этик кийган аёл тонг саҳардан зангори кемани пахта даласига бошқарди. Тўқбой қишлоғининг катта-кичик томошабинлари машина кетидан жўнашди.

— Қим у?— одатда атлас кийиб юрадиган Хонимойни таниёлмай сўради кўк салла ўраган чол.

— Танимадингизми, ўзимизнинг Хонимойда,— китоб қўлиқлаган ўспирин жавоб берди.

— Юр-чи, кўрайлик,— кўзларини айёрона қисди, қулоқчин телпак кийган киши шеригига,— қани нима қиларкин. Машина ҳайдайдиган эркак колхозда қуриб кетган экан-да.

Дароз бир киши оғзидаги носини туфлар экан:

— Нимасини кўрасизлар, тир-тир қилиб эгатни икки айлангач, масаласи ҳал-да,— деди кекирдагини чўзиб,— қўл билан бел омон бўлсин, бошқаси бекор.

— Бекорга ногора чалмасаларинг-чи, Хонимой ҳали сизларга тир-пирни кўрсатиб қўяди,— паст бўйли киши қовоғини уйди.

— Кўрамиз...— бояги носкаш бўйинини чўзди. Ҳа, улар шундай турли фикрда эдилар.

Хўш, машина рулида турган аёлнинг ўзи-чи? Унинг ўзи ҳам ниҳоятда безовта эди. Хонимой оппоқ чаман бўлиб ётган пайкал бошига етиб келганида ёш юраги баттар типирчилай бошлади. Негадир қулоқлари ҳам ўздан-ўзи зингиллаб кетди. «Бунча кўзлар...» У атрофидаги кишиларга кўз қирини ташлаб қўяр, пешонасида эса тер ялтирарди. Шу он машина бир оз тўхтади, атрофдагилардан баъзилари ўзаро пичирлашарди, бошқарувчи эса, унинг у ёқ-бу ёғини кўрган бўлди. Сўнгра у учишга тайёрланаётган ғоздай гавдасини ростлади, юзида қандайдир шафқатсизлик ифодаси кўринди. Ниҳоят зангори кема чаман бўлиб ётган оқ денгиз бўйлаб равон сузиб кетди...

Кўп ўтмай, бункер пахтага тўлди. Иккинчи, учинчи... Шундагина Хонимой эркин нафас олди. Унинг қорачадан келган юзида уятчанг, аммо ўз ишининг ғалабасига бўлган ишончдан дарак берувчи бахтли табассум кўринди. «Уялиб қолмасин-да...» деб унга дўстона тикилиб турган кўзлар ҳам қувончдан кулимсиради. Шубҳаланганлар эса, гўё ўз кўзларига ишонмаётгандай ажабланиб туришарди.

Шу куни Хонимой тўрт тонна пахта терди. Шу кундан бошлаб унинг номи ўз колхозидан чиқиб, район ва областга таралди.

Кунларнинг бирида Хонимой етти тонна пахта терди. Колхоз бош бухгалтери Шоймардон Хўжановнинг бу хабарга ишонгиси келмади. Эртасига икки ҳисобчи қоққан қозикдай бўлиб Хонимойнинг ёнида турди. Бу текшириш Хонимойнинг ғалабаси билан тугади: бу куни у **саккиз** тонна пахта терди. Бош бухгалтер

чүтини у ёққа-бу ёққа уриб, Хонимойнинг бир кунлик иш ҳақини ҳисоблаб кўрди-да, бош чайқаб қўя қолди.

Октябрнинг ўрталари, терим авжга минган кунлар эди. Хонимой тушки овқатга чиқди. Қашқанинг муздек сувида ювиниб-таранди. Кейин тол соясидаги ёғоч каравот устига чиқиб, кўрпача устига ўтирди. Ошпаз Ишмон бобо пиширган шўрвадан бир косасини ишта-ҳа билан ичди. Шўрва устидан чой ичиб, энди мизғий бошлаган ҳам эдики, шийпон қоровули Қенжа бобо келиб қолди.

— Қалайсан, қизим, чарчамаяпсанми?— У каравотнинг бир четига ўтирди.

— Раҳмат, дада, ўзингиз бақувватгинами-сиз?— Хонимой унга чой узатди.

Қенжа бобо «маза йўқ, қизим» дегандай қотма бошини чайқади, кейин соқолини силаб, секин:

Э, қизим,— деди арз оҳангида,— кексаларни ҳам тинч ухлатмаяпсан-у,— пиёладаги чойдан икки хўплади.— Кечалари тинмай машина ҳайдагунча, бошқалардай кундузи пахта териб, кечаси тинчгина ухласанг-чи.

— Шундайми...— Хонимой ўзини тутолмай қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.— Сизга ҳам жабр қилибмиз-да.

— Кулма, гапим рост,— жиддий туриб деди Қенжа бобо,— ўзинг ҳам ухламайсан, бизни ҳам тинчитмайсан.

— Сиз бемалол ухлайверинг,— ҳамон кулимсираб деди Хонимой.— Бизлар асли сизга ўхшаган кексаларни тинчгина қўйиш учун темир отга миниб юрибмиз-ку.

— Ўзинг ҳам уйқудан қолма, уйқу кишининг баданини яйратади.

— Бу йилча камроқ ухласам ухлабман-да. Келгуси йили бошқача бўлади. Дугоналаримдан бирини навбатчи қилиб оламан. Шунда уйқудан ҳам қолмаймиз, иш ҳам унумли бўлади.

Хонимой шу лаҳзада «Машинангни бизга ҳам ўргат» деб юрган дугоналаридан Малика Аллаёрова, Нишон Ишмановаларни эслади. «Бизнинг сонимиз йил сайин кўпаяверади. Эртадан кечгача икки букилиб пахта териш азобидан бутунлай қутуламиз. Эҳ, бу қандай яхши!» Хонимой шу оң ўзини ниҳоят бахтиёр сизди, лабларида енгил табассум жилва қилди.

Кенжа бобонинг сўзлари унга бундан уч кун илгари бўлган яна бир суҳбатни эслатди. Ҳаво совуқ, тун қоронғилиги қуюқлашаётган эди. Бункерни бўшатгандан кейин Хонимой машинасига дам бериб турарди. Шу пайт сариқ пўстинини судраб колхознинг атоқли пахта устаси Жавли Равшанов келди.

Хонимой билан кўришаркан, у:

— Бу йил менинг пахтамини ўзинг териб берасан, қизим,—деди, кейин анчадан бери олинмаган соқолини силаб,—Отанг раҳматли билан ошна эдик, ҳеч бўлмаса, шуни юз хотир қил. Сен билмайсан, бола эдинг,—давом этди у яна,—бир вақтлар отанг бригадир эди, мен раис. Ишга қизиқиб, баъзан иккаламиз ҳам молхона охурида ухлаб қолардик.

Хонимой отасининг қадрдонига «хўп» деди-ю, ичида: «Энди биз охурда ухламаймиз. Охурда ухлаш учун машинага ёпишаётганимиз йўқ»—деб қўйди.


Иш завқига берилиб кетган Хонимой бир ойдан кўпроқ навбатчисиз ишлади. Колхоз правлениеси ҳам унинг самарали ишлаши учун зарур бўлган шароитни туғдириб берди. У нон-чай, иссиқ овқат деб юрмади, мева-чева-ларгача олдида тайёр турди. Туш пайтларида яхши дам олди, салқин вақтларда кўкрак кериб мардонавор ишлади. Кекса ошпаз Ишман бобо унинг нон-чайига, овқатига қарашиб турди. Дугонаси, Тукбой советининг раисаси Муаззам Халилова: «Ғирот минган Хонимчадан айланай», деб ёнида капалакдай парвона бўлиб юрди. Баъзан Биби хола ҳам иш бошига келиб гоҳ комбизнесон кийган қизига, гоҳ машинага қараб «Болагинам...» дея термулиб турарди. Иш бошига келиб-кетиб турганларнинг чеҳрасидаги «Яша, Хонимой, кам бўлма» деган маъно унга куч бағишларди. Камгап, бир сўзни ҳам ўйламай гапирмайдиган, иш важдан ўзига ҳам шафқатсиз, бошқаларга нисбатан ҳам талабчан, аммо кишиларга жуда ғамхўр колхоз раиси Лапас аканинг «Ҳа, бўш келма, қизим, кам-кўстинг бўлса айт, уялма» деб туришлари ҳам унинг ғайратига ғайрат қўшди.

Механизаторларнинг шу йил августда бўлган иккинчи республика съездида Хонимой турсунойчилар сафидан муносиб жой олиш учун аҳд қилган эди. Коммунист Хонимой Суярова ўз ваъдасининг устидан чиқди. «ХВС — 1,2» машинасида у, биринчи йилиёқ 200 тонна пахта терди. Шундай қилиб, Хонимой Қашқадарё водийсида илғор механизаторлардан бири бўлиб қолди.

Колхоз ва район пахта тайёрлаш планини

муддатидан бурун шараф билан бажарган экан, бунда турсунойчи Хонимойнинг ҳам ҳиссаси катта. Келажакда бу ҳисса яна ҳам салмоқлироқ бўлади.

*Қамаши район, Ленин номли колхоз.
1960 йил, ноябрь.*



М у н д а р и ж а

Жонбўзсойда	3
Изланиш	17
Қашқамиз кулиб боқади	34
Одамдан яхши ном қолсин	44
Турсунойчи Хонимой	56

На узбекском языке

Бабамурад Даминов

ДОБРОЕ ДЕЛО ОСТАВЛЯЕТ ПАМЯТЬ

О черки

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1961

Редактор *А. Исроилов*
Рисом *А. С. Россаль*
Расмлар редактори *Г. П. Бедарев*
Техн. редактор *Н. И. Курилова*
Корректор *М. Мансурова*

Босмахонага берилди 15/VI 1961 й.
Босишга рухсат этилди 29/VII 1961 й.
Формати 70×90¹/₃ Босма л. 2,125. Шарт-
ли босма л. 2,49 л. Шартли л. 2,47
Индекс б/а Р 10174 Тиражи 15000.
ЎзССР Давлат баалий алаб.ёт нашри-
еги. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 113/61

Ихтисослаштирилган ҳарф терув
фабрикасида тайёрланган матрица-
дан Ўзбекистон Маданият министр-
лиги Ўзглавиздатининг 3-босмахона-
сида босилди Тошкент, Ленинград
кўчаси, 15. Заказ 470. Баҳоси 7 т.
1961 йил.

Ўзадабийнашр